


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



2000 йил  
Январ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайлови куни



## ЮРТБОШИМИЗНИ САЙЛАЙМИЗ

Редакциямизга келаётган хат-хабарларда, бўлаётган кўнгрларда ва баъзан телеграммаларда мамлакатимиз ахли 2000 йилнинг 9 январ куни Республикаимиз Президентлигига бўладиган сайловни ва бу сайловда ана шу Олий лавозимга давлатимиз раҳбари Ислон Абдуганиевич Каримов номзодини ёқлаб овоз беришларини ошиқиб кутаётганликлари изҳор этилмоқда.

Мана бу хатни Самарқанд вилояти Қўшработ тумани, Оқчоб қишлоғидан Қажрамон она Хадича Нуруллаева йўлаган: Ўзбекистонимиз Президентлигига Ислон Каримовнинг номзоди кўрсатилгани айна мудоао. Чунки, бу олижаноб инсон юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлишида энг кўп жон куйдираётган, қайғураётган. Ҳақ айтишдек, "элим деб, юртим деб ёниб яшайтти..."

Менинг ота-онам асли Кавказдан - Қорачой-Черкесс ўлкасида, - деб ёзди Сурхондарёнинг Узун туманидан Зулфия Уденова. - Мен Ўзбекистонда туғилдим, шу ерда ўсдим, ундим, ўзбек йиғитига турмушга чиқдим. Ҳозир бир қизим бор. Яқин орада Оллоҳ насиб этса яна фарзанд кўраимиз. Ўғил бўлса исмини Мухаммад Ислон қўймоқчимиз. Негаки, Президентимиз "болаларимни ҳеч қимга бермайман", деб айтдилар. Ишонаманки, бу буюк зот менинг ҳам болаларимни бировга хафа қилдириб қўймайди. Сайлов куни мен албатта шу оқил, одил Юртбошига овоз бераман...

Мана шу сатрларни битаётганимизда Навоий вилоятининг Нурота туманидан кўнгр оқ бўлди. Журналист Абдулмуҳаммад Норбоев нуротликларнинг сайловолди кўтаринки руҳини таърифлаб деди: "Туман ахли Президентимиз Ислон Каримов вилоятимиз сайловчилари билан бўлган учрашуларда... агар сен иззатга сазовор ишлар қилсанг, иззат топасан, одамларга меҳрингни берсанг, меҳр кўрасан" деганларидан сўнг - айна шу сўзинг ифодасини энг ав-

вало Юртбошимизнинг ўзига раво кўрмоқдалар. "Президентимиз иззатга сазовор ишлар қилдики, иззат топди, одамларга меҳрини бердики, меҳр топди" демоқдалар. Кимнинг сўзига қулоқ тутманг: "Юртбошимизни сайлайман", - деб очик, ошкор айтишайтти...

Яна кўнгрлик:  
- Биз, Наманган шаҳар ижтимоий таъминот бошқармаси жамоаси Ўзбекистон деганда Президентимизни, Президент деганда - Ўзбекистонни англаймиз. Шу боиски, албатта Ислон Каримовга овоз берамиз...

- Кечирасиз, ўзингизни таништиринг.  
- Дилдора Аҳмедова, бошқармада бўлим мудираси бўлиб ишлайман. Яқинда Президентимизнинг вилоятимиз сайловчилари билан бўлган учрашувида сўзга чиқиб, барча ватандошларимизни шунга даъват этдим.

- Раҳмат, Дилдорахон, саломат бўлинг.

- Газетамиз саҳифаланаётган кезларда муҳарририят эшиги тақиллади. Очдик. Почтачи. Телеграмма: Тошкент-700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча 2-уй "Оила ва жамият" газетасига. Мамлакат Президентлигига Ислон Каримовни сайлайман. Юлдузхон Раҳматов, Шаҳрихон туман калсалхонаси шифокори.

Хатлар оқими даста ва даста. Кўнгрлар тинимсиз. Телеграммалар на кечани билди, на кундузини... ҳаммасида бир ният, бир садо, бир маслак: Юртбошимизни сайлаймиз!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

## ИШОНАМАН, ОВОЗ БЕРАМАН

Маълумки, Республикаимизда шу йил 5 декабр куни Олий Мажлисга, 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Президентлигига сайлов ўтказилади. Шу муносабат билан республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида сайловни зўр тантана билан кутиб олишга ҳозирлик кўрилмақда. Шу кунларда Президент сайлови учун олиб борилаётган тайёргарликни кўриб шўролар даврида бўлиб ўтадиган сайловлар ёдимга тушди.

Мен мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганим туфайли кўпинча участка сайлов комиссиясига котиб бўлиб белгиланардим. Шу туфайли сайловлар қандай ахволда ўтишини яхши билардим. Аиникса, 1930-40 йилларда бўлиб ўтган сайловларда қизиқ воқеалар содир бўлган эди. Баъзан Олий Советга депутат сайланган, орадан 1-2 ой ўтмай туриб у "халқ душмани", ёки "миллатчи" деган таъна билан тезда қамоққа олинарди. Унинг ўрнига бошқа биров ноқонуний равишда сайланарди. Энг ачинарлиси, депутатлар орасида чаласаводлар ҳам бўлиб, ҳеч қайси раҳбар бунга эътибор бермасди.

Бугунги кунда Президентликка сайланадиган одам чуқур билимга эга бўлган, Ватанин, халқни севган, эл-юрт тинчлиги учун ўз жонини ҳам фидо қиладиган инсон бўлиши керак. Шу жиҳатдан Президент лавозими учун номзодликка Ислон Каримовдан бошқа одамни сайлашни кўз олдимга келтира олмаيمان. Очиғи, мен Ислон Каримов раҳбарлик лавозимини эгаллаганидан буён олиб бораётган ишларини ўзимча кузатаман. Ҳатто айрим маъруза ёки фармонларини газетадан қирқиб оламан-да, алоҳида сақлаб қўяман. Эсимда, бундан бир неча йиллар муқаддам

ўтказилган мажлисдаги бир нутқидан журналистларга қарата шундай деган эди: "Мен барча газеталарда чоп этилган мақолаларни ўқиб чиқдим. Кўпчилик мақолаларда нуқул мақтов (Урра! Урра!), гўё бизда ҳеч қандай муаммо йўқдек. Билмадим, ҳаммаёқда камчилик, аммо бирорта журналист шу муаммоларни кўра-била туриб ёзмайди. Очиғи, собиқ раҳбарлардан кўрқиб ёзмасалар керак. Бу билан республикамизни ривожланишига тўсқинлик қиламиз, ҳақиқий журналист адолат билан кўрган, текширган камчилиқни хас-пўшламай тўғри ёзсин, сизни ҳеч қим жавобгарликка тортмайди. Бирорта киши бир нарса деса, мен жавоб бераман, қўқманлар энди."

Ислон Каримовнинг бу сўзлари менга жуда ёқди. Танқидий мақола ёзганимда редакция қайтарган мақолаларимни сақлаб юрган эдим. Дарров қайта кўриб чиқдим-да, редакцияга олиб бориб топширдим. Шундан кейин бир қатор матбуот нашрларида мақолаларим чоп этилди.

Мен юқорида Президентимизнинг айрим ишлари ҳақида гапириб ўтдим, холос. Кузатишларим давомида Президентимиз чинакам халқларвар, тинчлик учун жон куйдирувчи инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Ҳа, азизлар! Мен шахсан ўзим ва Республика фахрий педагоглар жамоаси номидан, 30 га яқин сайлов овозига эга бўлган Йўлдошевлар оиласи номидан Ислон Каримов учун тўлиқ овоз беришга ишонч билдираман.

Ҳамидулла Йўлдошев,  
Фахрий педагог, Республикада  
хизмат кўрсатган халқ таълими  
ходими

## ТИНЧЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

...Республикаимизда тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни қарор топтириш, уни сақлаш ва мустаҳкамлашга бекиёс ҳисса қўшган Президентимиз узок йиллар омон бўлсин.

Ўзбекистонни, ўзбекни бутун дунёга тараннум этган шу буюк Инсонга овоз бермай қимга берай!

Мухтор ХОЛИҚОВ

Андижон вилояти,  
Чинобод кўргони

## БУЮК ИШЛАРИМИЗ ИЖОДКОРИ

...Юртбошимизнинг Президентликка сайловолди таржимаи ҳолини диққат билан ўқиб чиқдим. Унда баён этилганидек, мустақиллик йиллари мамлакатимизда амалга оширилган ҳамма улкан ишлар ва тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ҳам, раҳ-

намоси ҳам шаксиз Ислон Каримовдир. Шундай экан, мен шу мамлакат фуқароси сифатида албатта Ислон Абдуганиевичга овоз бераман.

Умида НАЗАРОВА

Кўкюн

## ЎЗБЕКИСТОН:

Янгиликлар,  
Воқеалар кўзгусида

● Мамлакат Президенти сайловига Фидокорлар Миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислон Каримовнинг Бухоро, Навоий, Наманган, Андижон, Фарғона, Сурхондарё вилоятлари сайловчилари билан учра-

шувлари бўлиб ўтди.

● Жиззах вилоятида Республика Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод - Абдулҳафиз Жалоловнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

● Қўҳна Хоразмда Мухаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг 190 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди.

● Президент Ислон Каримов Республика полиомиллит ва мия орамажи қасаллиги бўйича махсус мактаб-интернатга мамлакатимизда ва чет элда болсилган китобларининг қалами ҳақи ҳисобидан 500 минг сўм пул ва 10 минг

АҚШ доллари ҳамда ҳар бир болага бошдан-оёк бир сидра кийим-кечак ҳада эти.

● ЭКОСАН Халқаро жамғармаси 2000 йил — «Соғлом авлод йили» арафасида "Аёл, экология ва саломатлик" дастури асосида Қорақалпоғистон Республикасига Янги йил кўтлови қилиб "ЭКОСАН - Саломатлик автопоезди"ни жўнатди.

● Тожикистон пойтахти Душанбеда Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамжамияти аъзоларининг Бош вазирлари кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасидан иштирок этган делегацияга Бош вазир Ўткир Сул-

тонов раҳбарлик қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва Маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловнинг иккинчи босқичида такрорий овоз беришга ҳам мамлакатимиз фуқаролари фаол иштирок этдилар.

● Бухоролик 10 ёшли ёш теннисчи Жамшид Жўраевга Юртбошимиз номидан теннис спорти анжомлари совғаси топширилди.

● Мамлакатимизда 2000 йилнинг 10 январига "Кураш миллий ифтихорим" шiori остида ўзбек кураши ойлгининг II-тур мусобақалари муваффақиятли давом этмоқда.

ОБУНА - 2000 ЙИЛ

## ҚАЛБИМИЗ ҲАЯЖОНДА...

Хурматли Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов!

2000 йилни "Соғлом авлод йили" деб эълон қилганингиз барча мунис ва меҳрибон оилалар қалбини ҳаяжонга солди.

Мен тўрт фарзанднинг онаси, тўрт набиранинг (бешинчисини интиқлик билан кутаялман) бувиси ҳамда 30 йиллик педагог-ўқитувчи сифатида Соғлом авлод тушунчасини - соғлом миллат, буюк келажак, қувончу шодлик, тинч ва фаровон турмуш, бахту-саодат, боринги, кудратли мамлакат деб тушундим.

Не бахтки, бизнинг ҳар бир йилимиз - "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили" деб тарих саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан қолса. Бу буюк зотга - инсонларга, айниқса, оналар ва болаларга бўлган буюк эҳтиром эмасми?! Бу давлат раҳбарининг, Сизнинг ўз ха-

лқингизга бўлган фидоийлигингиздир. Сиз "Барча болалар - менинг болаларим" деганингизда юз карра, минг карра ҳақ экансиз.

Мен ўз номимдан, жамоамизнинг барча хотин-қизлари номидан ўз ташаккуримни изҳор этаман. 9 январь, 2000 йилда ўтказиладиган Президент сайловларида Сизнинг номаздингизни муносиб деб биламиз ва Сиз учун овоз берамиз.

Ишontiриб айтаманки, биз — оналар сифатида оиламизда, устозлар сифатида ёш авлоднинг соғлом ва баркамол тарбиялашда барча фармон, қарорлари сидқидилдан бажаришга, фидокорона хизмат қилишга сўз берамиз. Буюк Ўзбекистонда буюк фарзандлар улғайишига ишонамиз. Бу борда "Оила ва жамият"нинг ҳамкорлиги зарурдир.

**Ўктамхон РАҲМОНОВА,**  
Асака маиший хизмат коллежининг ўқитувчиси, хотин-қизлар кенгаши раиси

## "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"НИНГ МУҲЛИСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИМ

"Оила ва жамият" тахририяти мен сизларга дарду қувончларимни ёзмоқчи эмасман. Чунки бу газетга қандай обуна бўлишни билолмаялман. Яқинда газетанинг бир сони қўлимга тушиб қолди. Уни ўқидиму севиб қолдим. Қандай бўлмасин шу газетга обуна бўлишни мақсад қилиб қўйдим. Илтимос, менга газетга обуна бўлиш қоидасини тушунтириб беринглар. Чунки "Оила ва жамият" газетасини топишга қийналаялман. Бу газета қизиқарли саҳифаларга бой экан. Айниқса, қизларнинг дил изҳорлари менга ёқади.

**Умида ХОЛМУРОДОВА**

Жиззах вилояти  
Пахтакор тумани

**ТАХРИРИЯТДАН:** Газетамиз шаънига изҳор этилган самимий дил сўзлари учун Умидахонга ташаккуримизни йўлларканамиз, янги - 2000 йилда ҳам муштарийларимиз ишончи, эътиқоди, эътиборини қозонмоқ учун қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз деб ваъда берамиз.

"Оила ва жамият"га обуна бўлиш эса ниҳоятда осондан осон иш - шаҳар, туман, қишлоқлардаги алоқа бўлимларига (почта хизмати) борилади ва обуна қоғози тўлдирилади. Бу даргоҳларда сизни уч, олти, бир йиллик муддат учун обуна қилдиришади.

## "МУЛОҚОТ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗИМИ?

"Мулоқот" журнали ўн йилдан буён қўлингизга бориб тегмоқда. Бугун унинг ўн минглаб мухлису муштарийлари бор. Чунки журналнинг асосий мақсад ва маслаги инсонийликни эъзозлаш ва келажак уфқларини аниқ кўра билишга интилишдан, унутилиб бораётган ўтмишни жонлантиришдан иборат бўлди. Шу боис мустақиллик гоёларини - миллий гурур, миллий ифтихор, миллий мафкура гоёларини, тарихимизнинг машхур ва нодир саҳифаларини ёшларимизга, маънавиятимиз ихлосмандларига етказди. Буюк бобокалонларимиз, бизнинг юртдошларимиз бўлган Шарқу Фарбада машхур файласуфлар, алломалар, муҳаддислар, муаррихлар, азиз пиру авлиёларнинг ҳаётлари ва аъмоллари ҳақидаги мақолаларимиз ўқувчиларнинг катта қизиқишини тортмоқда. Бугунги кунимиз муаммолари ва келажак учун жонқуярлик ҳам журналнинг асосий мавзудидир. Айниқса, маънавиятимиз муаммолари кўтарилган мақолалар журналхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда.

"Мулоқот" журнали халқимиз келажаги, Ватанимиз равнақини кўзда тутган ҳолда ҳар қандай табақа вакиллари билан атрофлича ва чуқур мулоқот қилишга тайёр. Журналимиз ҳар бир хонадонга тинчлик ва барқарорлик шабадасини, келажакка ишонч, тинчлик, озошлик ва мустақилликка шукроналик руҳини олиб киражак.

"Мулоқот" журналига обуна бўлинг.

**Нашр кўрсаткичларимиз:**

**Якка обуначилар учун - 844,**  
**Ташкилотлар учун - 845.**

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

# СИҲАТ ТИЛАСАНГИЗ, БИЗГА КЕЛИНГ!

- дейди "Матлуботчи" санаторийси бош шифокори Баҳодир Аҳмедов.

Қуёшли Ўзбекистон замини маъданли сув манбалари, тоғ муми қатламлари, шифобахш балчиқли кўлларга жуда бойдир. Шу имкониятларга суянган ҳолда Республикаимизнинг турли баҳаво, хушманзара, сўлим гўшаларида ҳар хил хасталикларга даво бўлувчи шифо масканлари ташкил этилган.

Улардан бири "Матлуботчи" (Собиқ Тошкент маъданли сувлари) санаторийсидир. Икки гектар сотҳадаги сиҳатгоҳ ҳудудида дам олувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Ушбу масканнинг бошқа шифо масканларидан афзаллик томони шундаки, унда даволанувчилар ёзнинг жазирама ва кишининг аёзли кунларида ҳам даво муолажаларини олишлари учун ташқарига чиқишлари шарт эмас. Чун-

ки, ётоқхона, даволаш хоналари, ошхона, клуб, ёзги ва қишки кинотеатрлар, кутубхона, қишки боғ, ҳамда маъмурий хоналар барча-барчаси бир-бири билан чиройли йўлакчалар орқали бирлаштирилган. Бино ичида кишин-ёзин мўътадил ҳаво, 1329 ва 1371 метр чуқурликлардан отилиб чиққан маъданли сувлар фойтда мўъжизакор бўлиб, минг дардга даво.

Шифо масканининг ўз иссиқхонаси бор. Шу боис, дам олувчилар дастурхонидан йилнинг тўрт фаслида ҳам сабзавот, кўкат, лимон каби хўл мевалар, турфа гуллар аримайди.

Сиҳатгоҳда асосан одамнинг овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари билан оғриган беморлар даволанадилар, дам оладилар.

- Ҳар бир хасталик сингари, овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволаш ҳам мураккаб ва масъулиятлидир, - дейди санаторий бош шифокори Баҳодир Аҳмедов. - Бу хасталиклар турли-туман бўлиб, уларга ўтқир ва сурункали гастритлар, колитлар, энтероколитлар, атония, бавосил, қабзият, метеоризм (қорин шиши), сурункали ошқозон ичак яраси, ошқозон ости беши яллиғланиши, сурункали жигар ҳамда ўт қопи яллиғланиши ва бошқалар киради.

Уларни даволашда биз асосан Тошкент маъданли суви билан бирга физиотерапия усулларидан, шифобахш ўсимликлардан тайёрланган дәмламалардан, парҳез таомлардан кенг фойдаланамиз.

Овқат ҳазм қилиш органлари касалликларининг олдини олишда одамнинг тишлари ҳам соғлом бўлиши шарт. Сиҳатгоҳимизда малакали стоматологлар дам




олувчилар хизматида.

Саломатлик - ҳар бир кишининг ўз қўлида. Агар инсон доимо соғлом ва бардам яшашни орзу қиларкан, ўз соғлигининг қадрига етиши лозим. Бунинг учун йилига бир марта дам олиши ва жисмоний ҳаракат ҳамда ибратли меҳнат билан мунтазам шуғулланиши, покизалик ва орасталикка эътибор бериши, қолаверса ўзи яшаётган табиатнинг мусаффо бўлиши учун ҳам қайғуриши лозим.

Шунингдек, шифо масканимизда дам олувчиларни оилавий тиббий кўриқдан ўтказиш имкониятига эгамиз. Бугунги кунда ҳар бир йўлланма нархи 35 000 сўм. 2 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун даволашни курслари махсус ишлаб чиқилган. Йўлланма баҳоси ҳам 50 фоизга арзон. Она ва бола бўлимларидан улар учун барча шароитлар муҳайё. Мухтасар қилиб айтсам, сиҳат тиласангиз бизга келаверинг...

Дарвоқе, санаторий жамоасининг халқ саломатлиги йўлида қилаётган ва режалаштираётган ишлари талайгина. Сўлим шифо масканида ҳар йили 5000га яқин дам олувчилар ўз саломатликларини тиклаётганлари бунинг ёркин далили.

**Оқила РАЙИМ қизи**



## ВАТАН ШИФОКОСИ

Неки жонзот ошёнини қўмсагай, Унутолмас бу тўғуни, бу ҳисни. Балиқ учун тилло ховуз қилма шай, Талпинади соғиниб шўр денгизни.

Не истаса, бари емиш бўлса ҳам, Тутқунликда фарёд бирла ох урар. Хоҳ очликдан тоғу даштда ўлса ҳам. Озошликни афзал кўрар охулар.

Биз-инсонлар фафлат ичра ётамыз, Кўзлаёлмай хўрлик деган нишонни. Бойлик учун гоҳ иймонни сотамиз, Кўз-кўз қилиб, қўлда тилла кишанини.

Эй, Истиқлол, сенинг учун, халқ учун, Мингта бўлса, минг жонимдан кечгумман.

Шу Ватансиз, шу миллатсиз, шу юртсиз, Бу дунёда ҳеч нимамаң, ҳеч киммаң!

**Жаҳонгир ФОЗИЛ**

## МЎЪТАБААР ДИЁР

Ватан-Она мангу маконим,  
Ватан-аллаалган бешигим,  
Ватан-сабр! Танамда жоним,  
Саждагоҳим, очар эшигим!

Ватан-муҳаббати, бахтимсан  
Ва болалик хотиротларим.  
Ватан-КАЪБАМ! Тоғу тахтимсан,  
Орзуга айланган қанотим.

Ватан-синглим! Мўътабар диёр,  
Тупроғини қилай тўтиё.  
Ватан-дилимга жо, меҳрибон ёрсан,  
Ишқингда мен-телба, мажнунман!...

**Санобар ФЕРУЗ**



## ОНАЛАР БИРДАЙ СЕВИМЛИ



**Ҳақдан бўлак ҳаммаси ёлгон, Ҳақиқати-сенсан, онажон. Ҳақ яратган мўъжиза аро, Мўъжизасан-Илохий танҳо.**

Насиба экан, яқинда Заркент қишлоғида, бир хонадонда меҳмонда бўлдим. Хонадон хўжасининг бор-йўқлиги ҳақида сўрадим. Очиқ дарвозадан 65 ёшлардаги аёл чиқиб келиб мен билан куюк сўрашди.

- Тожибой ака керагидилар, - деганимда аёл:  
- Кириг, кириг, бир пиёла чой ичинг, - дея кўярда-кўймай ичкарига ундай бошлади. Кирдим. Унг томондаги меҳмонхонага бошлаб кирдилар. Хонадон бекаси - ет-

мишларни қоралаб кўйган Тошби ая тез орада дастурхон тузадилар. Хонадонда ёш бир аёл кўринар ва чақалоқ овози эшитилар, чамаси келин боласи билан овора эди. Сал ўтмай хонадон бекаси иссиқ нон ёпиб келиб олдимга кўйдилар. Бу орада сумалак ҳам олиб кирилди. Хонадон хўжасидан ҳамон дарак йўқ эди. Хижолат тортаман. Тошби ая хонадон хўжасини йўқ десалар, бир оз кўча айланиб келардим, деган фикр менга тинчлик бермайди. Шу орада қайнатма шўрва ҳам сузиб келинди. Ая кўярга кўймай шўрвани ичирдилар. Орадан яна алла қанча вақт ўтди. Кун тушдан ошай деб қолганда хонадон хўжаси қайтдилар. Хижолат тортиб кўришдим. Мен хонадон хўжаси уйдадир, бирор иш билан банд бўлсалар керак, деган хаёлда эдим. Далада эканлар. Тошби ая Тожибой ака дарвозадан киришлари билан югургилаб истиқболларига чиқиб қаршиладилар. Кўлларига сув кўйдилар. Меэбон ичкарига кирдилар. Хонадон хўжаси ҳам беҳад хурмат-эҳтиром билан мулозамат кўрсатдилар. Тез орада палов сузиб келтирилди. Меэбон билан мен... лаганга иккита ошиқча

қошиқ кўйилди. Мен "янглишиб қошиқ кўйилди" деб ўйлагандим. Меэбон "шошманг, ҳозир эгалари келиб қолишади" деган ишорани билдирдилар. Чиндан ҳам салдан кейин икки меҳмон кириб келди.

Бу ҳол хонадонда доим такрорлар экан...

Орадан уч кун ўтгач, шу хонадонга яна ташриф буурдим. Аввалги ҳол такрорланди. Хонадон хўжасини сўрадим. Ая "шу ердалар, кирверинг!" - дедилар. Тушлик бўлди. Ҳамон Тожибой акадан дарак йўқ эди... ўша меҳмондорчилик.

Учинчи марта меҳмон бўлганимда ҳам шундай манзара содир бўлди. Тошби аянинг турмуш ўртоқларига қилаётган меҳрибончиликларини, яъни хурмат-этиборларини кўриб болалик кезларимни эсладим. Онам менга болалигимда шундай илтифот кўрсатардилар:

- Ая, келинлар бор экан, озгина дам олмайсизми? Нонни ҳам ўзингиз ёпдингиз, овқатни ҳам ўзингиз пиширдингиз... - деганимда ая:

- Ҳаммасини ўзим қиламан, акангизни ҳеч кимга ишонмайман, ҳеч ким ўзимдай қарай олмайди, у кишининг табиатларини бир ўзим била-

ман, кайфиятларини доим аъло даражада сақлаб туришим керак, - дея мамнунлик билан жавоб қилдилар. - саккиз қизимга, икки ўғлимга ҳам ҳеч қачон қилдирмаганман. Ишларни ўргатардим, лекин уларни эҳтиётлардим... турмуш қуришиб ўзимга ўхшаб хонадонларини гуллатиб кўйишди.

Тошби аянинг қайноналари ҳам шундай аёл бўлган эканлар. Кўп аёлларни, оналарни, келинларни кўрдим. Бироқ Тошби аядай эрни, хонадонни доим, яъни ҳар лаҳза ёдидан чиқармайдиган, ҳар лаҳза хурмат-этиборини жойига қўядиган, ҳаммага бирдай муомалада бўладиган ва ҳамманинг бирдай этиборига тушган, бирдай макталган аёлни кам учратдим... бундай хурмат-этиборни, диққатни, эъзозни инсон фақат онадангина кўриши мумкин...

Гап Паркент туманига қарашли Заркент ширкат хўжалиги раисининг турмуш ўртоқлари-Тошби ая ҳақида бораётир... Ая ўн йилдан ортиқ тракторчиларга, комбайнчиларга ошпазлик қилибдилар, ўттиз йил қурт боқибдилар. Меҳнатига яраша нафақа ҳам сўрамабдилар. Буни эшитиб яна ҳайратим ошди. Илоё Оллоҳ ҳамманинг қалбига Тошби ая қалбига ато этган саховатни ином этсин!

Ў. ҲАКИМАЛИЕВ

## ЮКСАЛАЁТГАН КОРХОНА

Қуш учса қаноти, от юрса туёғи қуядиган чўлу-биёбонда Муборак қишлоғи бўларди. Қишлоқ аҳли туя, кўй-эчки боқиб кун кечирарди. Карвон йўлида карвон саройи, кудўқ бўларди. 1958 йилда қончилар очган газ осмонга олов бўлиб кўтарилди. Қудратли техника ва билимдон одамлар улкан заводлар ва турар жойлар бунёд этди. Россия ўлкаларидан ишчилар, мутахассис кадрлар олиб келиниб, янгидан қурилган Муборак шахрига жойлаштирилди. Газни қайта ишлаш заводи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қувурлар орқали Россияга ва бошқа истеъмолчи мамлакатларга юбориб, Қашқадарё вилояти аҳолисининг ҳаётий эҳтиёжларига бирор сўм ҳам сарфламасди. 1991 йилда қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш атиги беш фоизни ташкил этиб, ичимлик суви фақат кудуқлардан олинарди. Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Баракабек Рустамов билан мулоқотда бўлдим.

- Республикада мустақиллиги эълон қилинган вақтдан бошлаб, - дея гап бошлади у. - Кишилар пешона терлари эвазига ортирган маблағлари эвазига қурилиш материаллари олиб, лойсувоқ уйлар ўрнига замонавий гиштин иморатлар соладилар. Корхонамизда қишлоқлардан келиб ишлаётган ишчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида корхонамиз ҳисобидан ичимлик сувлари, табиий газ ўтказилди. Йўллар асфалтланди. Замонавий автобуслар кўйилди. Дўконлар, тиббий масканлар, мактаблар қурилди. Қашқадарё вилояти қишлоқларини газлаштириш ҳозирги кунда тўқсон беш фоизни ташкил этди. Муборак сансоат корхоналарида ишлаётганлар яхшигина маош, энг арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари олишади. Имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишади. Қарлик жамоа хўжалигида бу йил учта врачлик амбулаторийси қуриб ишга туширилди. Бунинг учун корхонамиз ҳисобидан ўн бир миллион сўм сарфланди. Замонавий бозор қуриб ишга туширилди. Тўртта мактаб таъмирланди. Тўқсон фоиз аҳоли уйлари газлаштирилди.

Хитой жамоа хўжалигида бугунги кунда 624 ўринли замонавий мактаб биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Врачлик амбулаторийси қурилиши, йўллар асфалти таъмирланиши ва бошқа ободонлаштириш ишлари давом этмоқда.

Баҳористон ва Касби туманлари қишлоқларини газ билан таъминлаш,

мактаблар қуриш, йўлларни таъмирлаш ишлари қизгин бораётти. Бунга ажратилган маблағнинг атиги ўн тўрт миллион сўми ишлатилди.

**- Сиз раҳбарлик қилаётган корхона соф даромади ҳисобидан анчагина яхши ишларни амалга оширибди. Айтинг-чи, Баракабек, аёллар йилда қандай тадбирларни амалга оширгансизлар?**

- Корхонамизда ишлаётган аёллар учун ўтиздан зиёд имтиёзлар мавжуд. Қисқартирилган иш соатлари, сауна, дам олаш ва аёллар хоналари, маънавият уйи, ошхоналар, дўконлар улар хизматигади. Аёлларимиз янада чиroyли бўлишда деб гўзаллик саломи қуриб ишга туширди. Тиббий хизмат улар учун бепул. Шу йил уч юздан ортиқ ишчи-хизматчиларимиз орасида аёлларимиз ҳам курутот ва санаторийларда дам олдилар. Ишчи-хизматчиларимиз учун йўлланмалар бепул, оила азолари учун эллик фоиз нархларда берилаяпти. Аёлларимиз учун битта фарзанд бўлганларига бир ойда бир шўм кунни, икки боласи борларига икки иш кунига қўшимча ҳақ тўланапти. Врачлик пунктларимизда берилётган дори-дармонлар корхонамиз ҳисобидан.

Умуман ишчи-хизматчиларимизга ҳуқуқат қарорларига асосан берилмайдиган имтиёзлардан ташқари корхонамиз ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам улашиляпти. Тўй ва бошқа маъракаларга навбати билан бош хисобчимиз Эгамназар Жўраев, раҳбар ўринбосари Курбон Давронов, мутасадди раҳбарларимиздан Нина Гаврилова, бош муҳандис Уктам Умаровлар хизмат қиладилар.

**- Маҳаллий кадрлар тайёрлаш қай йўсинда олиб бориляпти?**

- Республикада пойтахтидаги олий ўқув юртлари ҳамда Муборак шахрида фаолият кўрсатаётган ўрта махсус билим юртларимиз маҳаллий мутахассис кадрлар тайёрлаб бераёпти. Бундан ташқари корхонамизда армия хизматини ўтаб қайтган ишчилар, истеъодли ёшлар орасидан яхшигина мутахассислар тайёрляпмиз.

**- Фарзандларингиз тарбияси билан асосан қим шугулланадиз?**

- Фарзандларимизни турмуш ўртоғим Ойнисарий билан вояга етказаялмиз. Фарзандларимиз билимли, катталарни хурмат қиладиган, компютер техникасини, умуман технологияни мукаммал билладиган, зийрак, жисмонан бақувват бўлишини орзу қиламан.

И. САТТОРОВ

Қашқадарё вилояти

ЯНА СИЗНИНГ МАКТУБИНИГ...

## ДАРДИМНИ ОҚ ҚОҒОЗГА ЁЗАМАН

Ассалому алайкум ҳурматли "Оила ва жамият" таҳририяти. Бу яна мен — Шахломан.

Сизларга мактуб йўллашимга сабаб агар эсингизда бўлса қизим Умиданинг 15-декабр куни таваллуд топган кунининг 12 йиллиги. Мен ўтган гал Юлдузхон Усмоновага хат ёзиб ("Оила ва жамият"нинг 44-сон) шу кунга, агар иложи бўлса, йўллаган шеъримни куйга солиб ихро этсалар, деб илтимос қилган эдим. Унинг вақтлари бўлмаган бўлса керак. Майли, улар ҳам санъаткор инсон, балким чет элларда бўлиб мактубимни ўқимаган бўлсалар керак. Нилуфар қизларини роҳатини кўриб юрсинлар.

Агар иложи бўлса қизим туғилган кунига атаб ёзилган дил сўзини ва шеърини газетангизда чиқарсангиз.

Бугун 15-декабр, сен таваллуд топганинга 12 йил тўлди, Умидам (ёлғизим). Лекин, таваллуд кунинг нишонланадиган кун ўзинг йўқсан. Кунни кеча 13-декабр куни бу дунёни тарк этганинга 5 ой бўлди. Шу беш ой ичида сени ёдинг, сени руҳинг мени бир сония бўлса ҳам тарк этгани йўқ болам. Қийналиб кетдим. Лекин, бир нарса мени озгина бўлса ҳам юпатади, у ҳам бўлса сени яна ўзимга, фақат ўзимга қайтиб келишинг. Тушларимга кириб: "Она, мен яна қайтиб келаман, келдим" деб айтишларинг. Яқинда менга Қибрай туманида яшовчи Дилнозахон деган қиздан мактуб келди. У ҳам, Умида қайтиб келади, уни йиғлаб эмас, кулиб кутиб олинг, дебди. Дилнозанинг шу мактуби ҳам мени анча юпатди ва сени қайтиб келишингга яна ҳам ишонтирди. Аллоҳ ҳар нарсасига қодир. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Бугун қабринг тепасига ҳаммамиз борамиз. Ўзинга ўхшаган гуллар қўйиб келамиз болам. Руҳинг шод бўлсин. Сен бизларни кўриб турасан, лекин биз сени кўра олмаймиз. Бироқ мен онанг сени қалбим билан кўраман, юрагим билан тинглайман. Жойинг жаннатда бўлсин, ётган жойинг обод бўлсин, гўрнинг нурга тўлсин болам.

УМИДАМИГА

Умид билан кўйган эдим, номингни,  
Кўрсатмасин деб кўрқардим, доғингни,  
Бевақт ажал олди, жажжи жонингни,  
Кимга айтиб йиғлай энди, жон болам.  
Баланд тоғлар устидан, муз кўнмагай,  
Сени номинг юрагимдан, ўчмагай,  
Бағрим тўлиб, энди сени кучмагай,  
Сенсиз ўтган, қаро кунларим курсин.  
Ҳар қизники, кўрсам агар сен қатор,  
Кўздан ёшим оқаверар шашқатор,  
Гоҳ телбама, гоҳи маҳзун, гоҳи тош,  
Сурагингга тикилганда эгиб бош.  
Ох, болама тушларимга кирақол,  
Елканг қоқиб, қушдек учиб келақол,  
Айтар сўзинг бўлса, тезроқ айтақол,  
Соғинчларим юпанч бўлса не ажаб...

Инсон боласи шундай экан, ўзини ҳар қандай йўл билан юпатишга ҳаракат қиларкан. Мен бутун дардимни оқ қоғозни қоралаш билан ва мана шу шеърларни ўқиш билан ўзимни юпатаман. Умидам билан хаёлан шу қоғоз орқали дардлашаман, гаплашаман. Баъзи бировлар ўйлаши мумкин, шу нарсаларни ёзиш шартми деб. Лекин, ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳозир менга қанчалик қийинлигини, кимлар биландир дардлашим келади. Ахир дунёда яхши одамларнинг насиҳати ҳам инсонга далда бўлади-ку. Бу кунларни ҳеч кимга кўрсатмасин. Фарзанд доғидан ҳам оғирроқ дард борми?

Шахло ТЎХТАЕВА

Тошкент-700098, С. Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/2, 10а-27

Азиз "Оила ва жамият"! Мен доимо сенинг саҳифаларингда чоп этиладиган "Турмуш сабоқлари", "Дил изхори" руқналарини ўқиб бораман. Чунки "менинг дардимга ўхшаган дарди бор инсон ҳам бормикин", деб ҳар сонини кутаман. Шунинг учун юрагимни сенга очмасам бўлмайди шеклли деб кўлимга қалам ва қоғоз олдим.

Ёшим 43 да, оилалиман, 4 та фарзандим бор. Биз бўлиб берилган янги ерларга иморат қуриб, қўшнилари билан кетма-кет кўчиб келганмиз. Бизга бир девор қўшни бўлиб мактабда ишлайдиган, чиройли, келишган, маданиятли йигит бўлиб келди. Оилани, 3 та фарзанди бор. Хотини ҳам исми жисмига монанд, хуснига таъриф йўқ. Олпоқ, келишган, гўзал аёл! Улар эр-хотин олийгоҳда бирга ўқишган, севиб турмуш қуришган экан.

Шу аёлни кўрдиму, эс-хушимдан айрилдим. Юриш-туришимда ҳаловат йўқолди. Мен уни севиб қолдим. Улар жуда аҳил-иноқ яшар эди. Айниқса, аёл очик кўнгил, шўх, доимо кулиб туради. Орадани анча йиллар ўтди. Бу бахтли оилага кўз тегди. Эри машинасида авария бўлиб оламдан ўтди. Д. эса "дод" деганича 3 боласи билан қолаверди. Эрининг қирки ўтгандан кейин Д. ни ота-онаси олиб кетишмоқчи бўлишди. Чунки, у бадавлат, ўзига тинч оилани фарзанди эди. Лекин, қўни-қўшнилар: "Анчадан бери яшяпмиз, нима ёрдам керак бўлса берамиз, эрининг чироғи ўчмасин", деб олиб қўлишди. Ҳақиқатан ҳам қўшнилари ёрдам бериб туришди. Шулар қатори мен ҳам бир девор қўшни бўлганлигим учун нима ёрдам бўлса бердим. Чунки, мен уни яхши кўрар эдим. Д. эпчил, чаққон эди, савдогарчилик билан шуғулланар эди. Д. ни гўзаллиги бошига кўп ишларни солди. Унга совчи қўядиганлар кўпайди. У эрни хаёлига ҳам келтирмас эди. Унга бўлган муҳаббатим кундан-кунга кучайди. Кун сайин очилиб, гўзал бўлиб борар эди. Уни йўлини пойлайдиган, ишдан кеч қолса кўчада кутиб турадиган бўлиб қолдим. Ор-номусни йиғиштириб қўйдим, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди. Қаерга борса машинама мажбур қилиб чиқариб, обориб-опкелиб юрдим. У хижолат бўларди. Охири юрагимдагини айтдим:


"Сени яхши кўраман, сенсиз яшай олмайман, сени никоҳимга оламан, сен меники бўласан. Сени хатто эрингдан қизганар эдим. Агар хоҳламсанг маж-

## РАЗИЛЛИК ҚИЛИШГА СЕВГИМ ЙЎЛ БЕРМАЙДИ

бур қиламан. Бировларни машинасида қўриб қолсам кўрасан", - деб кўрқитдим. У ханг-манг бўлиб қолди. Шахло кўзларига ёш тўлди. "Сизни ёрдамларингизни тўғри маънода тушунибман, ниятингизни билмаб-

уйида кўпинча ўзи ёлғиз қолар эди. Қизлари ўқишда бўлар эди. Разиллик қилишга журъат етишмас, севгим йўл бермас эди. У кун сайин очилиб борар

эди. "Эринг ўлмаса бўлар эди, мени тинч йўқолди, сени ўйлайман, хавотирда яшайман, нима қилишни билмайман", - дердим унга нуқул. Мени хатти-ҳаракатимдан хотиним хавотирга тушди.



ман. Қайтиб бу ҳақда гапирманг. Гап шу ерда қолсин! Мен сизни жуда ҳурмат қиламан. Менга жуда кўп ёрдам бердингиз. Ахир бир девор қўшни бўлсанг. Фарзандларингиз, хотинингиз олдида хижолат қилманг. Мени ҳам қизларим катта бўлиб қолди. Гаплашмай қўйсак хунук бўлади, яхши қўшниликимизда қолайлик, сиздан илтимос", - деди. Нима қилишни билмайман. Хотинимдан кундан кунга кўнглим қолаяпти. Ўзи кўнглим йўқ эди. Мажбур уйланганман. Қариндошимни қизи эди. Менинг фикр хаёлим қандай бўлмасин Д. ни қўлга киритиш эди. Унинг висолига етишиш учун турли бахоналар қилиб эдим. У

Бунинг устига қўни-қўшнилар бизни устимиздан тўхматлар қила бошлади. Хотинимга гап ташиб киришди. Бу гаплардан кейин хотиним мен билан уриша бошлади. Д. га кириб "Эрим билан гаплашмайсан, машинасига чиқмайсан", - деб айтган гапидан кейин аччиғим чиқди. "Агар яна бир марта Д. билан уришиш у ҳақда гап тарқатсанг ўзингдан кўр! Мен уни 15 йилдан бери яхши кўраман. Агар қўнса никоҳимга оламан", - дедим. Шу йиллар мобайнида Д. учун хатто 3 хонали уй ҳам олдим. Уйга оборишга кўп ҳаракат қилдим. Лекин, у яқинлаштирамасди: "Овора бўлманг, мени тинч қўйинг", - деб уришиб берди. У билан

жуда кўп аразлашиб қоламиз. Лекин, мен чидай олмайман. Гапирмаганга қўймайман. У билан соатлаб гаплашиб ўтиргим келади. У мени тушунади. "Мени деб уйингиз аччиқ бўлишини хоҳламайман, сиз фақат ўзингизни ўйлаясиз, мени гап-сўзга қўйяйсиз, кўчиб кетсам қутуламанми?" - деб йиғлайди. "Майли, энди орқангиздан юрмайман. Лекин, ваъдамини устидан чиқа олмайман", - дедим унга. У ер-бу ерга савдогарчилик ҳам жўнатмай қўйдим. "Пул керак эди", - деб қўлидаги сармоясини ҳам олиб қўйдим. Қизларини куёвга берди. Қудалик бўлди. Ҳозир ўғли билан қолди. Ўғлини ҳам уйлоса, мажбур қилиб никоҳимга оламан, деб ният қилиб юрибман.

Муҳаббат ёш танламас экан. Д. га бўлган севгим йўлида жонимни беришга тайёрман. Севгини қудрати шунчалик юксаклигини билмас эканман. Севгим йўлида кўзимга оилам ҳам кўринмапти. Лекин, Д.да айб йўқ! У жуда иродаси мустаҳкам аёл экан! Ҳаётнинг ҳамма синоваларига чидаб келаёпти. Чунки, биллиб билмай одамлар ҳар нарса деб кўришди. "Деганларни Худога солдим", деб хафа бўлади. Унга осон тутмаслик керак. Лекин, одамлар буни тушунамайди. Агар у ёмон аёл бўлганда мени бунчалик ялтиртмас эди, ташна қилмас эди. "Сиздаги бу нарса ўткинчи хиссиёт! 4 та фарзандингиз, хотинингизни билмайсиз-у, сиз мени биласизми? Ниятингизга етганингиздан кейин - сени қаерда қўрвудим дерсиз", - деб очик айтди. "Йўқ!! Мен бу ниятда сени севмадим. Шунчалар яхши кўрганим учун оилам кўзимга кўринмапти. Разилликни хоҳласан имконият бор-ку? Лекин, мен буни хоҳламадим. Мен сени розилигингни олмаганимча севгимдан воз кечмайман..."

Ёшим 43 га кириб сочимга оқ оралаганда шу аҳволга тушаман деб ўйламагандим. Д. сен ҳам ёшсан — 42 га кирасан, шундай ўтиб кетишинг гуноҳ! Ёлғизлик Аллоҳга хос! Мени қийнама жоним!!!

Д.нинг қалбига йўл очимизга ёрдам беринглар, одамлар. Менга маслаҳат беринглар.

Қашқадарё

F.

Ойим 19 ёшда қариндошининг ўғлига турмушга чиққан. Ойим оилада яхша фарзанд бўлганлиги учун дадам ичкучёв бўлиб келган. Дадам ҳар қандай қизни ўзига қарата оладиган даражада жуда чиройли, истарали, келишган йигит бўлган. Ойимга уйлангандан сўнг шаҳар ўт ўчириш командасига ўқишга кирган ва ўша ерда ишлай бошлаган. Оилада бирин-кетин 2 акам туғилган. Икки фарзандли бўлишига ҳам қарамасдан дадам қизлар билан юраркан. Кейин мен туғилганман. 1981 йилнинг 1 август куни соат 1. 15 да илк хаётни

нинг подполковниги бўлиб ишлайди. Оти улуг супраси қуруқ деганларидек, бизлардан умуман хабар олмайди. 1992 йил бобом оламдан кўз юмдилар. Шундан кейин бизнинг азоб-ли кунларимиз бошланди. Оилада анча қийналдик. Бобомнинг қариндош-уруғлари ҳам умуман хабар олмас эди. Бир куни ойим, катта акам Ҳабибулло ва мен бозор айланиб юрган эдик. Олдимдан бир чиройли, истарали киши ўтиб кетди. Шу кишига қараб, "қанийди, мени ҳам шундай отам бўлса", - деб армон қилдим. Бир вақт

Акам ўқийман деб ният қилиб, дадамни олдига йўл олди. Дадам эса ҳар хил бахоналар қилиб ўзини олиб қочиб юрди. Акам умидсизланиб қайтиб келди. Мен 1996 йил мактабни аъло баҳолар билан тугатдим. Қалбим, кўнглим қувончга тўла эди. Чунки, мен ўқишга жуда катта тайёргарлик кўрган эдим. Ўқишга ҳужжат топширдим. Шу вақтда акам уйланаман, деб қолдилар. Акам уйланса мен ўқишга бормаслигим керак эди. Акамни яхши кўрганлигим учун гапларини икки қилолмай ўқишга

нинг отаси бору, менинг отам йўқ, дея хафа бўламан. Дада дейишни жуда орзу қиламан. Лекин, дадамни кўриш менга насиб қилмайди. Қанийди дадам "биттагина қизим бор", - деб мени йўқлаб келса, мен дунёда энг бахтли инсон бўлардим. Сўнгра армонсиз ўлардим. Менинг қалбимда бир армон бор. Бу армонимни яқин кишиларим тушунишмайди. Юзим кулса ҳам қалбим йиғлайди. Наҳотки дадам ўқиган, билган киши бўла туриб мени кўргиси келмайди. Ахир мен ҳам унинг пушти камаридан бўлганман. Мени

## НАҲОТКИ МЕНИ КЎРГИНГИЗ КЕЛМАЙДИ

мунчок кўзларим билан кўрганман. Ойим мен туғилганим учун жуда хурсанд бўлган, лекин дадам эса... Мен 50 кунлик чақалоқ бўлганимда дадам уйга кириб, ойим билан тортишиб қолиб, "бу қиз менинг қизим эмас", - деб бизларни ташлаб кетган. Мен ўша кундан бери дадамни кутаман. Лекин, 18 йилдан бери дадам қорасини кўрсатмайди. Ойим шундан кейин туман шифохонасига ораста бону бўлиб ишга кирган. Ўзи эмай едириб, ўзи киймай кийдириб бизларни ўқитиб катта қилди. Дадам-чи, бизни уйимизни тарк этгандан сўнг, бир татир хотинга уйланиб, икки фарзандли бўлди. Дадам ҳозир ўт ўчириш командаси-

ойим: "Муқаддам, дадангни кўрсатайми", - деб қолди. Ҳаяжон босиб, - "Тезроқ кўрсатинг", - деганимни ҳам билмай қолибман. Мен айтган ўша истарали киши дадам бўлиб чиққанлигига ҳайрон қолдим. Олдиларига бораёй деб ойимдан рухсат олдим. Дадамга яқинлашиб борар эканман, дунёда ўзимни энг бахтли инсон деб хис қилардим. Дадамнинг олдига бориб: "Ассалом дада", - дейишим билан дадам мени қучоғига олиб, йиғлаб юборди. Мен ўша пайтда 11 ёшда эдим. Дадамни оқарган сочларига, юзларидаги сўлғинликка бардош беролмай ўқиб йиғлаб юбордим. Бир вақт акам ҳам етиб келди. Дадам бизлар билан яхши суҳбатлашди. Акамга: "Олдимга бор, сени ўқишга киритаман", - деб сўз берди.

бормадим. Акамни ҳам уйлантирдик. Акам учун қувончи дамлар бошланди, лекин бу қувончли дамлар узоққа чўзилмади. Ўрталарида бола бўлмаганлиги туфайли ноилж ахрлашди. Акамнинг кўзларига қараб ачинаман. Бечора акам. Акам кейин мактабга мусиқа ўқитувчиси бўлиб, мен эса маиший хизмат кўрсатиш уйида тикувчи бўлиб ишладим. Барибир ўқишга кириш ҳаваси мени тарк этмас эди. Охири шу ниятимга ҳам етдим. 1998 йил педагогика билим юртига ўқишга кирдим. Шу орада дадамга қўп хатлар ёздим, лекин бирорта ҳам жавоб олмадим. "Сизни кўргим келаяпти", - дедим. Барибир бўлмади. Дугоналарим, курсдошларим ёниб-қуйиб дадалари ҳақида гаплашсалар уларга ҳавасим келади. Нимага улар-

орзу-ҳавасларга бой қилувчи фақат сиз, дадажон. Мени кечиринг, мен сизга хатлар ёздим, лекин бирортасига жавоб олмадим. Мажбур бўлдим, дардларимни газетлага ёздим. "Оила ва жамият" ходимлари сизлардан илтимос, ёзганларимни газетангизда босиб чиқаринг. Дадам зора мана шу ёзувларни ўқиб, инсофга келиб мен муштипар қизини кўргиси келар.

Муқаддам атаб қизинг исмини, Оллоҳга дўст, ўзингга бегона қилдинг. Наҳот ота деган улуг номинг, Бутун умр диллардан ўчирмоқ бўлдинг.

МУҚАДДАМ

**МЕН УНИ ҚАРҒАМАГАНДИМ...**  
**“Севганингизни қарғаманг” — 47-сон**

**ЭСЛАТМА:** Рахат даврида Отабек исмли йигит билан танишиб қолдим. Лекин, машқ қилиб уришиб қолдик. Унга “Менга деса ўлмайсанми?”, - деб юбордим. У эса қўз олдимда автомобил ҳалокатига учраб ҳалок бўлди.

ШАХНОЗА

Мен автобусда кетаётган бир кишининг “Оила ва жамият”ни ўқиб кетаётганини кўриб, теласида турганим учун беихтиёр ўқишга тушдим. Бу 18 ёшли Шахноза деган қизнинг дил изҳори экан. Уни ўқиб туриб йиғлаб юбордим. Чунки, менда ҳам шунга ўхшаш воқеа бўлганди.

Мен ўшанда 17 ёшда эдим. Тўрхалтада китоб-дафтарлар кўтариб кетаётганимда боғи чидаш берамай ўзилай кетди ва ичидагилар бутун зина бўйлаб сочилиди. Атрофда одам кўп бўлгани учун уялиб кетдим-да шошиб йиғга бошладим. Шунда бир бола келиб менга ёрдам берди. Кейин нарсаларини уйимга обориб берди. Бу бола мен кейинчалик жонимдан ортиқ севган Алишер акам эди.

Кейин уришиб турадиган бўлдик. Ўқишдан келиб мен унинг кўнғирогини кутадиган, у эса кечкурун спорт машқларидан келиб кўнғирок қиладиган бўлди. Бир-биримизсиз турулмасдик. У жуда ҳам мулойим, мовий кўзлари шунақанги меҳрибонлик билан борқарди-ки, кўзларига тик қаролмасдим. Назаримда ичига чўкиб кетаётгандай бўлардим. Алишер акам доим кўнглимга қарар, ҳеч ҳам хафа қилмасди.

Танишганимизда у 19 ёш эди. Бир йилдан кейин — мени ҳали туғилган куним келмаган, унинг эса 9 июнда туғилган кун эди. Ҳақиқат учрашдик. Мен бир ой қидириб, Алишер акамнинг кўнглига ёқаётган совға толган эдим. Яхши тилаклар билан совганимни унга топширдим. У хурсанд бўлиб, кўлимни секингина сиқиб “рахмат, асалим”, деди. Намозшом тушгунча бирга айланиб юрдик. Кейин у мени уйимга ку-

затиб қўйди. Маҳалламдан ўтиб, зшигим ёнига етмай ўша ерда тўхтаб хайрлаша бошладик. Кўчада ҳеч ким бўлмагани сабабли бемалол сўхбатлашардик. Алишер акам яна “рахмат сенга” дегандилар, мен жилмайганча: “Алишер ака, узок умр кўринг, менинг бахтимга соғ бўлинг” деб тилак билдирдим.

Синглим Шахноза, Сиз Отабекка “тезроқ кет” деган бўлсангиз, мен асло уни кетишини истамасдим. Сиз уни қарғаган бўлсангиз, мен ахир яхши тилак билдирганимдан-ку. Лекин, ундай бўлмади.

Биз хайрлашган, мен бўрилиб кета бошладим, шу пайт Алишер акам “Зулфизар” дея қачирди. Угрилиб қарадим. Алишер акамнинг орқаларидан 3 нафар бола келаётганини кўриб аҳамият бермадим. Алишер акам менга 2 соатлардан кейин кўнғирок қилишларини айтиб, яна хайрлашиб кета бошладилар. Орқаларидан қараб турсам, ҳалиги 3 бола уни ўраб олиб нимадир дейишди. У нимадир дея жавоб берганим, бола-лардан бири мушт тушириб қолди. Алишер акам спортнинг бир неча тури билан шугулланганлари учун анча чайир эдилар, қараб турмай у ҳам урди. Шунда безориларнинг бири қўлини бир неча бор қаттиқ-қаттиқ силкитди ва бирданига уччалови ҳам қочиб кетди. Булар жуда тез, бир соनियाда бўлиб ўтгани учун ҳеч нарсага, ҳатто бақиршиш улгурмади. Алишер акам нима учундир ҳозирсизлашиб, ерга чўкалаб қолди. Қўрқиб кетиб, олдига чопиб бордим. Бордим, бақириб юбордим. Алишер акам қонга беланиб ётарди. Бечора қаддини ростлашга ҳаракат қиларди-ю, яна букилиб қоларди. Бояги бола қўлини нега сил-

таганига энди тушунганим, у ифлос мени севганимнинг бир неча жойига пичоқ урган экан. Менинг бақирлашимга бир пасда одам йиғилди. Тез ёрдам ҳам қачирди. Йўқ, дейишларига қарамай, машинага мен ҳам чиқиб олдим. Ота-онам уйда йўқ бўлганликлари учун бутунда бебаҳор эдилар.

Алишер акамни касалхонага олиб бориб, реанимация бўлимига қўйишди. Бир соат ўтмай ота-онам етиб келишди. Икковларнинг кўрқувдан ранглари кетган эди. Улар эндигина “Кимга, нима бўлди? У ким?”, деган саволларни бошлаган ҳам эди-ки, бир ҳамшира келиб, Алишер акам ўзига келганини ва мени сураётганини айтди. Реанимация бўлимига учиб бордим. Бечоранинг юзини ранги билан чойшабнинг рангини ажратиб бўлмасди. У мени кўзлари билан қачирди. Мен ерга чўкалаб унинг устига эгилдим. У мадорсиз кўларини аранг кўтариб юзини юзимга яқин келтирди-да, кулоғимга “Севгининг гўнаси, Зулфизарим”, - дея шивиллади. Кўксига аста бошимни қўйдим, у эса сочларимни секин силади. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Чунки, танишганимиздан бери биринчи марта шундай яқин бўлишим эди. Биринчи ва охириги марта... Охири ўзимга келиб бошимни кўтарганимда Алишер акам, мен пок севи билан севган Алишер акамнинг кўзлари бир нуқтада қотганди. Ҳайрон бўлиб юзларини силадим. Шунда нима бўлганини англаб, илкис бошимни кўтардим. Теламда дўхтирлар, ота-онам туришарди. Унсиз овоз чиқармай йиғлашарди улар. Кўзларимдан дув-дув ёш оққанча яна Алишер акамга тикилдим. Унинг оқ юзлари, очик қолган мовий кўзлари худди тирикдек эди. Улганига ҳеч ҳам ишонмасдим. У ҳозир жилмайиб, кўзларини юмадигандек эди.

Шахноза, Сизнинг Отабегингиз кўз олдингизда ҳалок бўлган бўлса, менинг Алишерим бағримда ҳаётдан кўз юмди. Бу нақадар оғир эди-ки, айрилиққа чидалмай, юрак-бағрим эзилиб нола чекиб, қўнграб, ўрқаниб йиғлардим. Алишер акамни кучоқлаб йиғлаётганимда касалхонага унинг ота-онаси етиб кел-

гани. Мени севганимдан ажрата олишмас, фардим бутун қасалхонани тутиб кетганди. “Нега ахир? Алишер ака, нега кетдингиз? Мениям олиб кетингиз?”, - дея доллардим. Бечора Алишер акам, шу кун 20 ёшга кирганди. Унинг ўлимига сабабчи бўлганларга ҳам боққан бало бордир. Бу воқеага уч йил бўлди. Алишер акамга аза тутиб йиғлайвериб ёшим қуриган. Юрак-бағрим эзилиб адоий-тамом бўлганман. Ҳаётдан бери менга ҳеч нарсадан қизиғи йўқ. Қуруқ суратим қолган. Мен фақатгина уни эслаш учун яшайман. Мен Алишер акамни очилмай сўлган атиргулга ўхшатаман. Ҳар гал қабри бошига борганимда бир дон қизил атиргул гўнасини олиб бораман. Қабр-рошдаги жозибали жилмайиб турган суратини кўриб ёш тўқолмай, қабр-тошини кучоқлаб, расмига ялабларини босиб, сўнг инграб-инграб қайтиб келаман. Мен ёлғиз унинг ёди билан яшайман. Хаёлларим сарсон бўлган.

Мен буни ёганимнинг сабаби, мен ҳеч қимдан маслаҳат сўрамоқчи эмасман, фақат 3 йилдан бери кўксимни гижиллаб келаётган дардимни айтдим, ҳолос.

Шахноза, Сиз ўзингизни бунча айбаламан. Сиз айбдор эмасиз, бу шунчаки бўлиши керак бўлган тасодиф экан. Чунки, Сиз қарғаган бўлсангиз жаҳл устида айтганингиз. Бўлади-ку шунақаси, тўғри-ми? Сизнинг гапингиз қарамас экан. Ҳаммаси Аллоҳдан. Мана мен ҳам, ахир уни қарғаманганимдан-ку, қайтага яхши тилақлар қилгандим. Мен ишонманан, Отабек Сизни кечирган, фақат ўзингизни айбдор санамак, чунки севганингизнинг пок руҳи Сизни қўриб қийналади. Уйламанг мени бағрим тош эмас. Лекин, илтимос, жон синглим, ўзингизни мендай нобуд этманг. Ичим аллақачонлар қўйиб тамом бўлган. Аммо Сиз ўзингизни аҳтиёт қилинг. Ўзингизни гуноҳор деб билманг. Илоҳим Алишер акамнинг ва Отабегинг жойлари жаннатда бўлсин!

ЗУЛФИЗАР  
Тошкент шаҳри

**БАҒРИНГИЗНИ ТИЛМАНГ ОПАЖОН!!!**  
**“Фарзанд бахтини кўзлаб” — 25-сон**

**ЭСЛАТМА:** Менинг ҳам дунёдан кўп умидларим бор эди. Лекин, тоғанимнинг ўлигига эрга беришди-ю... Бирин-кетин ногирон фарзандлар туғилди. Уларни қўриб қуяман, йиғлайман.

Н. СУЛТОНОВА

Жаҳонда энг олий неъматдур фарзанд, Фарзанд бирла тўлур мақсудинг жами, Фарзанд бўлур ёлғиз жонингга пайванд, Тирикликда ундан кўзларинг равшан, Ўлгач, гўристонинг айлағай гулшан.

Мени ёшим 21да, лекин шунга қарамасдан, ёзган мақолангизни ўқиб, қанчалар дарду, ситам чекаётганингизни кўриб, ич-ичимни бир нима тирнагандек бўлди. Кейин мен ҳам фикрларимни ёзишга киришдим.

Барно опа! Сиз ҳали учна катта ёшда эмасиз, лекин негадир ҳаётда жуда қарчаганга ўхшасиз. Тагин яна уч (3) нафар фарзандингиз бор экан. Уларни уйланг, шайтонга ҳай беринг, жоним опам. Қани энди, агар сиз мани опам бўлганингизда, сизни ҳеч қачон қариндошга бергани кўймас эдим. Лекин, афсуски мени опам йўқ. Оилада тўнғич фарзандман.

Мен сизни Барно опа ҳам деб, бардошли опа ҳам деб атадим. Сиз, яна “Эримни парвойи фалак, қайноамни ахволи бу бўлса, болаларим ногирон бўлса, ҳаётда умрим бино бўлиб нима кўрдим, на бир севиб эркалаш-у, на бир оғиз ширин сўз, яшадан мақсадим нима, болаларимни ох-ҳоҳларини аштитмасдан, ундан қўра ўлиб қўя қолганим маъқул деб уйламанг. Бундай ишни қилсангиз, янглишасиз.

Ҳар бир инсон ўзи учун ҳам яшати керак-ку. Қачонга болам-болам деб бу дунёдан ўтиб кетаверди. Ҳақ ҳоммаёл эрингиз ҳам ўзинча ўйлаб кўрса бўларди: ахир хотиним бечорлага ҳам қийин, бир ўзи 2 ногирон болага қараётган бўлса, яна кичкинага ҳам қараб ўтирибди, ишию-юмушларини қилаётган бўлса. Мен-чи, мени нима фойдам тегайпти, ўз хотиним бўла туриб, ҳолидан 3-4 марта хабар оламаним, болаларимни кўзи тўрт бўлиб, дадажон қачон келаркансиз, тезроқ келсангиз эди, бўйингиздан қучиб олсам деб ўтираю, мен нима иш қилиб юрибман. Бечора хотиним руҳан эзилган бўлса, ҳеч бўлмаса кўнглини кўтариш учун қимматбаҳо совға эмас, балки оддий гул совға қилиб: “Э, хотин, ўйлама, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Насиб бўлса, буларни болаларини, иккамизни невараларимизни боқиб ёнобашлаб, аччиқ чойларни ичиб ўтираман, десаям бўларди-ку... Ҳа, майли эрин-

гизни онаси-чи, у ҳам она-ку. Бола меҳри қандайлигини тушунадик, сизни эзилганингизни била туриб, қандай виждон билан сизга нисбатан ҳақоратли сўзларни айтади. Қайноангиз ҳам бир мартагина ўйласа яхши иш бўларди. Тўхта, мен нима учун бечора келинимни камситаман, айблайман, нима, айб фақат келинимдами, балки ўғлим ҳам айбдордир.

Фарзанд Яратганинг инъоми эканлиги, ахир неча неча одамлар бир тирноққа зор бўлиб ўтаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку. Қайноангиз ўзинча “мени тўтган йўл-йўригим ҳам нотўғридир, мен ҳам келинимни юпатишим лозим, у бечора ўз ёнига ўзи қоврилиб ётган бўлса, нимага мен уни овутиш ўрнига, янада заҳарли илон каби қақиб оламан”, - деб ўйласа бўларди. Барно опа, мендан ҳеч ҳам хафа бўлманг, ўзини бўйлаб сўрайман.

Ҳозир Ўзбекистонимиз мустақил бўлса, Президентимиз И.А.Каримов болалар, ёшлар учун ҳамма шарт-шароитларни яратиб қўйган бўлсалар. Барно опа, Сиз икки болангизни ҳам “Ногиронлар” уйига топширинг. Кўрасиз, болаларингиз у ерда ҳеч кам бўлишмайди, тенгдошлари ўртасида ўйнаб кулади, тарбиячи опаларидан таълим олади. Кўнглингизга теккан бўлсам узур сўрайман. Лекин мен сизга болаларингизни ногиронлар уйига олиб бориб ташланг, қайрилиб қараманг демократияман. Ҳар қуни улардан хабар олиб, уларни ўйнатиб келинг. Биаламан, ҳозир сизга оғир, қайси бир она ўз боласидан воз кечади, айрилиқ қийиндир, йўқ, бунга тасаввур қилиш жуда мушкул. Йўқ, Барно опа, сиздан илтимос, мендан ўқинманг, айтишингиз мумкин, бола боқиб кўрувдингиз, менга маслаҳат берасан деб.

Тўғри, ҳали турмушга чиқмаганман, лекин бу ҳаёт менга ҳар нарсани кўрсатиб тарбиялади десам адашмайман. Биаламан, бу ёзган мактубимни ўқиб, роса мани койишингиз мумкин, лекин ман ўз фикримни ёздам.

Зора, кейин кенжа болангиз ва эрингиз билан тинч-тотува, бахтли, рам-ғусасиз яшасангизлар. Худо хоҳласа икки болангиз ҳам катта йигит бўлиб, улғайиб, ўз тенгини топар, элга тўй-томоша берасиз. Мани ёзувларимни ўқиб, кўзингиздан милдираб ёш оқаётган бўлса керак.

Мен сизнинг фарзандингиз камолини, бахту саодатини кўриб, оналик ҳузур ҳаловатини туйиб юринишингизни жуда-жуда истаيمان.

Шахноза МЕЙЛИЕВА  
Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани,  
Ёшлик кўчаси, 6.

**МЕН ҲАМ СЕВГАНМАНУ,**  
**СЕВИЛМАГАНМАН**  
**“Мен сени севардим бироқ...” — 19-сон**

**ЭСЛАТМА:** Мен Нодира исмли қизни жонимдан ортиқ севиб қолдим. Уни шунчалик севардимки... Лекин уни бир қариндошларига беришмоқчи. Ахир мен Нодирасиз нима қиламан!

АБДУМАЛИК

Абдумаликка дунёда севги борми? - деб берган саволига жавоб бермоқчиман. Бу йигитни диллари оғриганини тушуниб турибман. Чунки мен ҳам севганман-у, лекин севилмаганман. Шунда шунақанги юрагим сиқилиб ҳатто ўзимни ўлдиришга ҳам тайёр бўлгандим. Лекин ота-онам учун яшашим кераклигини ҳис қилиб бу ишга қўл урмадим. Бунга ҳам бир йил бўлди. Ҳозир ўқийман, еганим олдимда, емаганим ортимда, ўзимга яраша хусним ҳам бор. Лекин орадан шунча вақт ўтса ҳам уни унуттолмайман. Унга кўнғирок қиламан-у яна уни овозини эшитиш индамай трубкани қўйиб қўяман. Барибир олдингидек севмайман. Вақт ўтиши билан бу тўғру сўниб бораркан. Бу билан айтмоқчиманки, сиз ҳам менимча тақдирга тан беришингиз керак. Ахир энди у қизни ёридан ажрати олиб келолмайсиз-ку. Тўғри, у қизни онаси сизни севганингизни билб туриб қизини турмушга бериб юборган бўлса балки, сиз онасизга ёқмагандирсиз. Ҳақ қизини берган оиласи бойроқдир. Сиз “Ахир бизни ажратишди-ку”, дебсиз, менимча бунга ўзингиз айбдорсиз. Олдинроқ онангизга очигини айтиб, совчиликка юбориб ҳаммасини очик ҳал қилиб кетишингиз керак эди. Ҳаётда бунчалар сиқилмасдингиз. Сизга яна бир маслаҳат-эндигина 2 курс толиби экансиз, ҳали бутун ҳаётингиз олдинда экан. Йиллар ўтиши билан у қизни унутиб юборасиз. Менимча йигитлар қизларга қараганда тез севишни унутишади. Бошқа гўзал ва латофатли қиз билан танишиб унга уйланинг. Ва яна сиз “дунёда севги борми?” - дебсиз. Севги бор, бўлади ҳам, бўлиши шарт. Ахир ўзингиз “Нодира исмли бир қизни севиб қолдим”, деб ёзисиз-ку. Фақат ҳозир оғир аҳволдалигингиз учун севиб йўқ деб ўйлайсиз. Абдумалик, сизга ҳавасим келади, қанийди мени ҳам у сиздек севса ва сиздек ишқимда куйса эди... Аммо...

Хуллас, у қизни ўйламанг. Дунё тўла қиз. Ўзингизни ҳам ўйланг. Касал бўлиб қолсангиз сизни ўйлаб, онангизнинг юраклари сиқилади, уларни ҳам ўйланг.

ЛОБАР

ТАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР



**Азиз онажонимиз**  
**Маъмура**  
**ТҶАРАХОҲОНОВА!**  
Сизни муборақ 50 ёшингиз билан кутлаймиз! Чехангиздан табассум аримасин. Дунё тургунча туринг.  
**Умр йўлдошингиз Одилхон, фарзандларингиз Фаррух, Гулшана, Мадина**

**Азиз ОЙЖАМОЛ опа!**  
50 ёшингиз муборақ бўлсин. Сизга бахт ва хонадонингизга тинчлик тилаймиз. Соғ бўлинг.  
**Укангиз Абдукарим, келинингиз Бувайша, жиянларингиз Нурсултон, Абдумажид, Абдуҷамил**

**Азиз отажонимиз Фаррух МИРРАҲИМОВ!**  
Сизни 50 ёшингизга кутлаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг.  
**Оила аъзоларингиз Дилноза, Рустам, Дилмурод, Нилуфар, Шухратжонлар**

**Хурматли ШОДМОН ота!**  
Сизни 51 ёшингиз билан табриқлаймиз. Бахтимизга соғ-омон бўлиб, узок-умр кўринг. Тўйларимизга бош бўлиб, қувончимизга шерик бўлиб юринг.  
**Фарзандларингиз Шойимжон, Шаҳнозаҳон**

**Азиз ва қадрли энажонимиз Эргашева Жумагул ҲАМИД бобо кизи!**  
Сизни Аёллар йилда кутлуг 40 ёшга тўлишингиз билан муборақбод этамиз. Энажон! Яна кўп йиллар яшаг. Дадонаимиз билан бирга узок бизларнинг ҳам бахтли кунларимизни кўринг. Биз, фарзандларингизга эса сизларга хизматингизни қилиб, дуоларингизни олишни Оллоҳ насиб этсин.  
**Фарзандларингиз Дилшод, Бунёд, Бехзод, Зулфизар, Зарнигор. Китоб тумани, Аёқчи (Қиёни) қишлоғи.**

**ҚОРНИНГИЗГА ИЛОН КИРГАНМИ?**

Бизни ўзбеклар одатда овқатни кўп еган болага "Қорнингиз илон кирганими?", деб қўйишади. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа бир неча йил аввал бизни қишлоғимизда содир бўлган.  
Уша йиллари Иброҳимжон тиббиёт билим юртида ўқир эди. Ёзининг иссиқ кунлари Иброҳимжон ўқишдан қарчаб келиб, ўзининг катта уйда ухлаб қолди. Уй жуда шинам, салқин эди. Қумрихон ая ўша уйда икки кун олдин битта уй илони тоғнинг бир бурчагида пастга тушиб кетганини кўрган эди. Қумрихон ая болаларини кўриб кетмасин деб, ҳеч кимга айтмабди. Иброҳимжон роса ухлаб бир керишиб ўрнидан турди. У ҳеч нарсани сезмади. Қорни оғганини онасига айтди. Онаси чой дамлаб, нон билан боласини олдига қўйди. Иброҳимжонни иштаҳаси қарнай бўлиб кетган эди. Ҳар ўтиришда икки-ючта бўлка нонни паққос туширар эди. У шу аснода 2-3 кун ўтказди. Унинг ичи доим муздек турарди. Қорни овқатга тўймайдиган бўлиб қолди. Кўнгли гаш эди. Бу кечмишларини онасига айтди. Онаси ўғлининг қорнига илон кирганини фахллади. Аммо боласига тишёрмади, қўрқиб кетмасин, деди. Болам, дўхтирга урагин, деди. Иброҳимжон район дўхтирига бориб, рентгенга

тушди. Дўхтирлар болани қорнида илон борлигини кўрдилар, аммо айтмадилар, фақат истинжо вақтида алоҳида ўтиришлигини маслаҳат бердилар. Дўхтир Иброҳимжонга бир сутка овқатланмай туришлигини тайинлаб, ичадиган дорилар берган эди. Уша дориларни ичиб турди ва, ниҳоят бир холи жойга бориб, истинжога ўтирди. Не кўз билан кўрсин, илон ичидан бир қарич-бир қарич бўлиб, узилиб-узилиб тушиб келарди. Буни кўрган Иброҳимжон Ҳужабод район дўхтирларига тасанно айтди.  
Ҳа, одам чалқанча ётиб ухлаганда, илон бемалол одамнинг оғзидан кириб, қорнига жойлашиб олиб, қимирламай ётар эди. Бу тўғрида кўп воқеаларни эшитганман. Бир неча йил аввал Уш вилоятнинг бир чекка қишлоғида бир қирғиз кишининг ўн икки ёшли қизининг қорнига (бир дарахт тағида ухлаб қолган экан) илон кириб кетибди. Уша қиз безовталаниб роса қийналибди. Қизини бир қирғиз табиб дўстига кўрсатибди. Уша табиб қизга илиқ сувда айрон қилиб ичирибди. Айронни кўп ичирибди, бироздан сўнг қизни кўнгли айнаб қаттиқ қайт қилибди. Уша қайт вақтида қизни ичидан тирик илон тушган экан. Буни кўриб ҳамма хайрон қолибди.  
**Зокиржон ИБРОҲИМОВ**

**ОИЛА-547**  
Тошкентлик, олий маълумотли, келишган, турмушга чиқмаган 28 ёшдаги ўзбек кизи, 30-35 ёшлардаги, олий маълумотли, иқтисодий таъминланган ўзбек йигити билан турмуш қуриш истагида.

**ОИЛА-548**  
Тошкентлик, ўрта маълумотли, истараси иссиқ, 35 ёшдаги турмушга чиқмаган қиз 35-45 ёшлардаги уй-жойи бор ўзбек ёки қозоқ йигити билан турмуш қуришни истади.

**ОИЛА-549**  
Ажрашган, бир фарзанди бор, Тошкентлик 41 ёшли эрақак, оқила, уйим-жойим дейдиган, меҳрибон аёл билан, фарзанди бўлса ҳам майли, танишиб оила қуришни истади.

**"БЕГОЙИМ - СЕРВИС"**  
Азиз аёлларни ўқшга тақлиф қилади:  
1. Массаж.  
2. Уй ҳамшираси.  
3. Торт, салатлар тайёрлаш.  
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.  
5. Сартарошилик.  
6. Замонавий урфдаги пардалар тикиш.  
7. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.  
8. Компьютер.  
9. Инглиз тили.  
**Манзилимиз: Ҳудда бекати, Анҳор бўйи кўчаси, 6-уй.**

**БУХГАЛТЕРЛИК КУРСИ**  
Амалиёт. Ҳафта муддати 1-3 ой.  
**Тел: 47-31-55 (22.00 гача.)**

Қорақалпоғистоннинг Беруний шаҳрида пишиқ гишдан қурилган, 2 қаватли, 8 хонали, 10 сотиқ ер участкаси бор барча қулайликларга эга (канализация, сув, табиий газдан алоҳида иситиш системаси, ҳаммом, гараж ва ҳ.к.лар) шахсий уй сотилади ёки Тошкент шаҳридаги уй (дом)га ўзaro келишилган ҳолда алмаштирилади.  
**Тел: Тошкент шаҳри, 54-01-85, Файзуллони сўранг**

**"ДИЛОРОМ"**  
Ўқув маркази тақлиф этади:  
2 ойлик:  
1. Компьютер билимлари.  
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.  
3. Зардўзлик - буюроча.  
4. Тиқиш-бичиш, моделлаштириш.  
5. Аёллар устки кийимларини тиқиш-бичиш, моделлаштириш.  
3 ойлик:  
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.  
2. Инглиз тили (бешловчилар ва давом эттирувчилар учун).  
**Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона**  
**Тел: 144-03-25; 125-19-15.**  
**Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.**

**ОНАМНИНГ РҶҲИ МАДАДКОР БҮЛДИ**

Ўзим асли кутубхоначидан. Икки йилдан буён башоратчилик қилман. Ҳузуримга наҳот излаб келиб, берган маслаҳатим, кўрсатмаларимдан қониққанлар: "Қандай қилиб башоратчи бўлиб қолдингиз", деган саволни қўлаб беришди. Бунга асосан кўрган тушларим ва ўзимдаги хислатнинг ёшлигимданок борлиги сабаб, деб қисқа жавоб қайтарман.  
Билим юртида ўқиб юрган кезларимда, яъни охириги курсдалигимда бир туш кўрдим. Беповён, кети кўринмас чўлимиш. Чўлда мен ва яхши кўрган йигитимдан бошқа ҳеч ким йўқ эмиш. Шу пайт қаердан бир баланд бўйли, икки ўрқачли туя пайдо бўлиб қолди ва Анварни таъқиб қила бошлади. У эса менга қараб: "Қочинг, бу бир бало" деди-ю, қоча бошлади. Туя менга қайрилиб ҳам қарамади, аммо Анварни жуда қаттиқ чопган ҳолда кува бошлади. Мен эса нуқул "Ёнлаб қочинг", - деб бақирардим. Овозим эса унга бориб етмасди. Улар аллақачондоқ кўринмай кетишганди. Уйғониб кетдим. Сотага қарасам тунги соат 3.00 экан. Тушларнинг таъбирини деярли ҳаммасини биламан. Юрагимга тўлгула тушди. Наҳотки... шундай ақли, келишган йигит... Йўғ-эй, нафасимни ел олсин. Яхшиликка бўлсин. Хулаас, ухламай чикдим. Чала-чулла чой ичиб, қизларга ҳам қарамай китоб баҳонасида Анвар ўқийдиган олийгоҳга чопдим. Топиб соғлиги тўғрисида сўрадим. У соппа-соғ, қулиб турарди. Ҳеч нарса билдирмадим. Ичим эса қоп-қоронгу. Орадан 11-12 кунлар вақт ўтди. Мен кўрқиб кутган воқеа содир бўлди. Анвар машина авариясига учраб бевақт ҳалок бўлибди. Ёшгина йигитнинг чимилдиқка кирмасиданок, куёв бўлиб сузилмасиданок ҳаётдан кўз юмиши менга қаттиқ таъсир қилди. Ундан ўзгани яхши кўра олмадим. Орадан бир йил ўтди. Отам кўпдан буён касал эди. Купна кундузи ухлаб туш қўрибман. Отам тузалиб, катта дарахтга чиқиб кетибдилар. Энг учига чиққач дарахт шохи

синиб, ерга қулаб тушдилар. Уч кундан сўнг отам ўзимнинг қўлимда жон бердилар. Етти-саккиз йиллар ўтиб эса тушимда содир бўлган онамнинг катта тўйлари, эртасига соппа-соғ онамнинг бевақт ўлиmidан дарак берди. Туш кўришдан жуда кўрқиб қолдим. Онамнинг таъзияларини ўтказар эканмиз, менга қандайдир ўзгариш, яъни чап мия атрофидан бўладиган нарсани айтиб турадиган овоз кела бошлади. Айтган гапларим, ўйлаган ўйловларим тўғри чиқадиган бўлиб қолди. Онамни якка-юягона қизи эдим. Отам ҳам, бечора онам ҳам менинг тўйимни кўра олмадлар, армон билан кетдилар. Бундай бўлади деб сира ўйламагандим, аммо турмушга чиқишни ҳам ўйламастим. Йигитларни "Сизни яхши кўраман", деган сўзини ўзимга бир ҳақоратли сўздек қабул қилардим. Очқик кўнгли, шаддоқ қиз эдим, аммо ёнимга ҳеч кимни йўлатмасдим. Уйга совчилар келса, ҳайдаб юборардим. Фолбилан ва дуохонларга умуман ишонмасдим. 39 ёшга кириб ҳам бирон мартаба фол очириб, ирим-сирим қилдирмабман. Тасодифни қарангки, башоратчи бўлиб қолибман. Бундан 2 йил аввал яна туш кўрдим. Қиш кунлари эди. Онам уйимизга кириб келиб, мени ахтардилар ва топиб атрофи хошияли, чўзинчоқ, тип-тиник кўрсатадиган кўзгу ва зардўзи дўппи, бир сават оппоқ иссиқ нон бериб чиқиб кетдилар. Жуда яхши туш. Кўзгу - одамдаги бир хислатнинг юзага чиқиши, нон ва дўппи - роҳат фароғат, яхши бир киши билан турмуш қуриш. Ишга қушдек ёнги бўлиб бордим. Ёшигим олдида 2-та ёш қизчалар турарди. Улар янги китобхон экан. Китоб танлаб бўлишгач, гувоҳнома сўрадим. Қизлар ахтариб қолишди ва менга берганини айтишди. Гувоҳномани олмагандим. Қизлардан бири онаси қойиб беришини айтиб, йиғлай бошлади. Қизларни юпатган бўлдим-да, гувоҳномалари дарвоза олдидаги сув идишининг ёнида бир учи ҳўл бўлиб турганини айтдим. Улар бир ишониб, бир ишонмай

югуриб кетишди. 20-25 дақиқадан сўнг эса хурсанд ҳолда қўлларидан гувоҳномани олиб кириб келишди. Қизлардан бири сув ичиб гувоҳномани ўша ерга қўйган экан.  
Бир кунчи оқ юзли, чиройли келинчақ йиғлаб кириб келди. У қизчасининг оғир бетоблигини, фолбиллар ҳам, дўхтирлар ҳам қизчанинг яшайдан умид йўқлигини, қолаверса тушида ҳам қизчаси ўлиб қолганини айтиб йиғларди. Мен қулдим-да: "Қизчангиз ўлмайдиган, умри узок бўлади, бироз тепароқ жойдан йиқилиб боши бироз чайқалган, ўқшиш ва қайт қилиш ҳолатлари бўлиб турибди. Миясида қон айланishi ўзгарган. Нерв томиларига бироз зарарланish бўлган - нервотология олиб бориб яхшилаб тахшиш қўйиб, керакли муолажаларни олса, тузалиб кетади", - дедим. Аёл кўзида ёш билан чиқиб кетди. Орадан 3 ойлар вақт ўтиб Мустақиллик байрами кунда айланishiга чиқдик. Она болани кўчада кўриб қолдим. Қизча жуда чиройли, кўзлари мовий ранга эди. Улар бир ой болалар шифохонасида даволаниб, тузалиб чиқибди. Қизча менинг қўлимдан ушлаб олди. "Хола юринг, аям музқаймоқ олиб берадилар", - деди. Хўп, ўл, - дедим қизчани эрақлаб. Онаси эса менга миннатдорчилик кўзи билан боқиб: "Мени умидга етаклаган сиз, сиз опажон, Сизга ҳам бахт ва соғлом фарзандлар тилайман", - деди. Қайфиятми анча кўтарилди. Утган йилнинг 13-октябр куни эса бахт оstonасига қадам қўйдим. Ўзимдан 2 ёш катта йигитга турмушга чикдим. Қайнонам мени ўз қизлари қаторида қиз қилиб бағрларига олдилар. Улардан миннатдорман. Онамининг ўрнида она бўлиб, кўнглимни кўтариб, керакли маслаҳатларини асло аймайдилар. Ана менинг тушларимнинг сирли оқибатлари.  
Азиз газетхонлар! Сизларга ҳам яхши тилаклар тилайман. Фақат яхши туш кўринг ва унгидан келсин! Бахт ва омад ҳаммаша йўлдошингиз бўлсин!  
**Сайёра ХАЛИЛОВА**

**ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН**

**ДИЛНИ ЎРТАР СОҒИНЧ ЎТИ**  
Қалб орзиқар бир тилакка, Оҳ, сизга қил қил юракка. Дилни ўрта соғинч ўти, Билман мени кимлар кутди...

Кимлар кутди яна мени, Юрак дейди нечун сени... Орзиқтар оқшом меҳри Ва йиғлатар алам сеҳри...

Кузатаман кўча аригин, Япроқлар-ла оқади сокин. Шодликларин оқизиб сенга, Ҳасратларин қолдирар менга...

Оқшом маънос, осмон булутли, Қарғалар ҳам мендай паришон. Уйин излар, қағиллар сирли, Тўкилади кўзимдан армон.

Юлдузимни яширган булут, Тонг отгунча элади сукут. Эрта балки бўламан унут... Майли, бу кеч йиғлаб мени кут...

**Дилоро Жумакулова,**  
1-гуруҳ ногирони, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани, "Гулистон" ширкат ҳўжалиги, Жумабозор қишлоғи

# ҚОННИНГ ҲАМ ХОТИРАСИ БОР

- Ҳеч ким қолмадим, Ади-бажон, битта чай дамлаб келасизми? Бир малина мурabbo билан чойхўрлик қилайлик. Шу кайфият билан уйга боргим келмапти,- деди Зебо Раҳимовна котибасига.

- Ҳа, бугун оғир кун бўлди. Бир кунда ҳам жиноий иш, ҳам ажралишни кўрдингиз. Бунақа пайтда дунё рутубатга тўлиб кетганга ўхшайди. Сиз бироз дам олиб туринг, ҳозир қайноққина чой дамлаб келаман. Адиба гапир-гапир ташқарига йўналди ва шу заҳоти изига қайтди:

- Опа, бир қария келибдилар, беш дақиқалик ишим бор; деб ўтиняпти.

- Қабул қуни эмас, деманингизми?

- Айтдим, кекса одам экан...

- Майли, олиб кириб, бироқ чарчаган денг, гапни чўзмасинлар...

Чол Зебо Раҳимовнинг рўпарасига келиб ўтирди.

- Хизмат, отахон?

Қария нимадир деб овоз чиқарганга ўхшади, сўнг елкалари силкина бошлади. Судья бундай ҳолатларни кўп кўрса ҳам эркак кишининг кўз ёшига тоқати йўқ эди:

- Ўзингизни босинг. Ҳўш, Сизни бу ерга нима бошлаб келди? Балки йиғлашга арзимайдиган гапдир, қани, эшитаман.

- Соғинч бошлаб келди,

қизим, сени соғиндим!  
Зебо Раҳимовнани тоқ ургандек салпиб турди. Рўпарасида унга боқиб турган ёшли кўзни таниди. Беихтиёр:  
- Дадажон!-деб юборди.

Шу биргина сўз билан уни хаёл ў ёшли кизалоқлик чоғларига етаклаб олиб кетди. Ана у, оппоқ қизил капалакчаллик кўйлакли кизалоқ, жилма йишн и унутган ойжонисини, жажжи ва ширин сингилжонисини...

Дадаси... Ҳа, дадаси хонадонда энг улуг зот сифатида эъозланар эди. Ойжонисининг дадаси деганда бутун дунёдан кечиб юборишни ҳис этарди.

- Зебо, дадангни пиёласига тегма.

- Зебо, дадангни тапочкасини кийма.

- Зебо, дастурхонга ўроғли турган овқат дадангга, сеники қосада.

Бир кунда бир неча бор "даданг" дерди, ойжонисини... эхтимол у шу сўздан мадад оларди, эхтимол шу сўз ҳаётининг мазмунини эди... Уша унутилмас

тонада нотаниш аёл-паст бўйли, алламбало кийинган. Аёл бетакаллуф уйга бостириб кирди:

- Сен,-деди у ойжонисига қўлини бизиз қилиб, лаш-лушингни олиб қишлоғингга

йўқол, мен неча йилдан буён Раҳим ака билан яшаيمان... Зебо ойжонисининг ранги ўзгариб кетганидан жуда ёмон воқеа юз берганини сездди, югуриб бориб кучоқлаб олди.

Ўзича, болаларча нафрат билан шумҳабар келтирган аёлни ҳайдамоқчи бўлди. Аммо аёл:

- Сен мишиқини бир ёқли қилиб ташлайман, одамларим бор,-деб чинқирди...

Зебо кейинги воқеаларни эсласи келмади. Дадаси чиндан ҳам ўша аёл билан кетди...

Ойжонисини жонсиз жасаб бўлиб қолди... Тоғаси уларни кўчириб олиб кетди...

Зебо меҳри она билан қаттиққўл отанинг қони омук-



оқшом Зебонинг туғилган кун эди. Ойжонисини кунбўйи елиб-югуриб дастурхон ясапти. Меҳмон ҳам, мезбон ҳам дадажонисини эди аслида.

Оқшом кириб, чироқлар пориллаганда, эшик тақиллади. Ос-

таси эди. "Зур одам бўламан, даданнинг қасбини эгаллайман!,-деб ўзига сўз берди, астойдил ўқиди. Мана, тақдирни қарангчи онасига "ташландик" деган тақдирни раво кўрган отаси бугун бир сиким бўлиб рўпарасида ўтирибди.

- Зебо, мени кечир дея олмайман. Шунча воқеалардан сўнг бунга ҳаққим ҳам йўқ. Онангнинг қайғиси ўзи сенга етарли, дунёдан ўтганини эшитдим... Бандалик-да... Фақат сени бир кўришга келдим. Нима деб ўйласанг, ўйла. Зебога "онанг" сўзи яна ўтмишни эслатди. Ғариб ойжонисини нечоғли кутди дадажонисини... Тонгларда, тунлар, дастурхон бошида дуоларга қўл очиб Оллоҳга ёлвориб... келмади.

Нуқул "ўша нобакор аёл уни йўлдан урди, даданг тилла одам эди" дейишни қўймасди. Кўзлари йўлларда юмилди. У соғинч хоки бўлиб чин дунёга кетди.

Зебо бўғзини қисиб келган "йиғи"ни дод деб чакиргиси, шу гунохкор юзига ёмғирдай сочгиси келди... қаради... таниш кадрдон чехра... ўзининг дадаси... ўша овоз...

Қондаги хотира ғолиб келди. Зебо аста туриб, дадаси олдига ўтди. Елкасиран кучди, юзига узини қўйди.

- Дадажон,- деган нидо келди ич-ичидан. Қария ўқириб юборди. Зебонинг кўз олдида ойжонисининг суварти туриб қолди. Қулимсираб кузатиб турарди.

Раъно ИСМОИЛОВА

## ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

# ДАРАХТ ПАНАСИДАГИ ОДАМ

Душманингни ҳам фарзандга зор қилмасин экан. Инсон дунёга келиб нима кўради? Бу бевафо дунёда нима қолади? Нахот ўз пушти камаридан бу ёруғ оламга келган зурриётини истаган пайтда кўриш, иссиқ баррига босиш, дилдан гаплалаш шунчалар қийин бўлса? Нега бу хувиллаган, кемтик қалбда шунча ўкинч, жавобсиз саволлар, сўроқлар гирён?

Муслим ака ана шундай ўйлар исканжасида ўша таниш ёнғоқ дарахти олдида келиб қолганини ҳам пайкамай қолди. У одатдагидек ҳадиксираб теваварк-атрофга разм солди. Таниш-билишлар кўринмасди. Ҳар қалай эҳтиёт шарт, катта йўл ёқаси эмасми, ўзини дарахт панасига олди.

Учрашув онлари чўзилган сайин Муслим ака безовталанар, соатига тез-тез қарар ва йўлдан кўзини узмас эди. Борлиқ аста-секин қорая бошлаши унинг шубҳасини баттар оширар, турли хаёлларга тўтқун бўларди. Балки, онаси жавоб бермагандир, ёки... Муслим ака калласига келган бу йўлдан сесканиб кетди. Бир пайт кўнгли эзилиб, кўзига ёш келди. Фикрини бир жойга жамлагач, яна у ёқ, бу ёққа қаради-да, аста ўша томонга қадам ташлади. Беш-олти қадам ташлашга ҳам улгурмаган эдики, кўзи чопкиллаб келаётган ўғлига тушди. У дилбандини бағрига босиб, ҳол-аҳвол сўради:

- Ўғилгинам, чирогим, бормисан, омонмисан ўзинг.

Нодир отаси кучоғидан чиқаркан одатдаги саволини берди:

- Ада, менга нима олиб келдингиз?

- Сенгами кўзичоғим, ҳозир-ҳозир, - ота ҳамёнига қўлини тикиб ичидан алланималарни олди. - Бу қўйлақ, яна ширинликлар ҳам олиб келдим. Ўзингни ўқийинг яхшими болам. Учинчи синфга ўтибсан, яша. Аълочи бўлгин Нодир, хўпми?

- Ҳўп, ада. Фақат биттагина тўртим бор, қолганлари беш, - деб Нодир отасига эрканларкан беш бармоғини кўрсатди.

- Баракалла ўғлим. Сендан умидим катта. Суянган тоғим сенсан ахир. Мени кўмадиган ҳам ўзингсан ўғлим, - ота кейинги сўзларини тугатар-тугатмас

хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

- Йиғламанг, адажон, йиғламанг, албатта сиз айтгандай яхши бола бўламан, - деди ўғил отасининг кўзларидан сизиб чиқаётган ёшларини қўллари билан артаркан. - Энди мен бораё ада, ойим уришадилар.

- Майли болам, борақол. Кейинги сафар кечикма, мен ховотир оламан бўлмас. Болам, энди уч кундан кейин келаман, насиб этса. Ҳа-я сенга нима олиб келай, Нодир?

- Расм дафтар билан рангли қаламни йўқ.

- Ҳўп бўлади, нуридийдам.

Мана икки йилдирки, Муслим ака фарзандини шу ерда қарши олади.

Ўғлини учратган кунни кайфияти анчагача кўтарилиб юради. Лекин, бу яширин дийдор кўришишлар қачонгача давом этишини билмасди. Аниқ жавоб эса йўқ эди.

...Биринчи хотинидан икки ўғил, бир қиз кўрди. Бахтга қарши муросала тўғри келмади. Ажралишди. Аммо оталик бурчини ўтаб ўғилларини уйли-жойли қилди, қизини узатди. Бунга хотини ҳам қарши бўлмади. Аини пайтда бу хатти-ҳаракатлари эрхотин ўртасига илиқлик сололмади.

Бир кун улфатларидан бири шундай деб қолди:

- Муслим, умрингни бекорга ўтказма. Барибир эркак кишига бирор аёл лозим. Маслаҳатлашдик. Хуллас, бошингни иккита қилиб қўйиш ниятимиз бор. Бир аёл бор, топармон-тутармон дей-

ишди. Ҳусни ҳам бинойидек, жой ҳам кидирмайсан.

- Қандай бўлар экан? - деди Муслим ўйчан. Агар бу турмушим ҳам ўхшамаса одамлар юзига қандай қарайман, нима деган одам бўламан.


- Ҳаммаси "оқкёй" бўлади, - деди Содик. - Сўққабаш бўлиб ёлғиз яшагандан кўра уйланганинг яхшида Муслим. Рози бўл, дўстларингиз-ку.

Муслим ака ҳам кўп ўйлаб ўтирмади. Ўзи ҳам ёлғизликда қийналиб кетганди. Бирор сирдоши бўлса ёмон бўладими? Ахир бахтли бўлиб кетганлар оз эмас-ку!

Шундай қилиб улфатлар бошчилигида кичкина тўй бўлиб ўтди.

Карнай-сурнай бўлмас-да, одамларнинг назарида тўй тўйдек ўтди. Аввалига иноқ яшаши, ўғиллик ҳам бўлиши. Ўртадаги фарзанд эрхотинни янада қийнлаштирган эди. Улар беш йил тотув яшади. Лекин, бир воқеа сабаб Муслим ака бу хонадонни тарк этишга мажбур бўлди. Унинг кетиши маҳалладагилар учун жумбоқлигича қолди.

Оиланинг бузилишига асл сабаб нима эди? Турмуш ташвишлари, оиладаги рўзгор харажатларининг ортиши туфайли хотини тижорат ишларини давом эттирарди. Ростидеда, очик кўнгили Муслим ака хотинининг хатти-ҳаракатларини тўғри тушунарди, айб ахтармасди. Аммо, кунлардан бир кун эр яшаб турган тўртинчи қаватдаги уй деразасидан бири нохуш, кечириб бўлмас манзаранинг гувоҳи бўлди. У хотинини "Жигули" машинасидан туша-



## ТУҚҚАН ЭМАС, БОҚҚАН ОНА...

Поезд охира кўзгалди. Купедагилар ҳам аста-секин ўз ўринларини эгаллашди. Мен билан икки аёл ҳамхона бўлди. Узоқ йўлни яхши ҳамроҳ яқин қилади, дейишади. Йўл давомида ҳамхоналарим билан танишиб сўхбатлашиб кетдик. Барно ҳали талаба, Гулчехра опа эса шифокор экан. Тошкентга ўғлини кўргани келатган экан. Шу гапларни айта туриб, Гулчехра опа ўғлининг расмини кўрсатди. Суратдан бизга аскар формасини кийган қош-кўзалари қоп-қора йигит кулимираб турарди.

Расмдаги йигит билан Гулчехра опа умуман бир-бирига ўхшамасди. Сўхбатдошларининг ўзларига қизиқиб қараётганини сезган опа бир муддат жимликдан сўнг бошидан кечирганларини ҳикоя қилиб берди.

Кўшни Тожикистоннинг Регар шаҳридаги туғруқхонада кўз ёрдим. Аммо, ҳомила турмади. Боланинг дарди билан ёниб юриб, касалхонадан чиқиб келдим. Кунларнинг бирида кўшниларида касалхона эшиги олдида ташлаб кетилган бола ҳақида эшитиб қолдим. Кўпчиликнинг маслаҳати билан дарҳол касалхонага чопиб бордим. Елиб-югуриб бир амаллаб болани ўз тарбиямга олдим. Бола гўдаклигидан яхши парвариш қилинмаганим, жуда озгин, касалванд эди.

Бир неча марта бутун танасига тошма яралар чиқиб кетди. Ўша дамлардаги азобимни айтсангиз эди... Жарроҳлик йўли билан бу яралар йўқотилди. Ўғлим 14 ёшга қадам кўйганда кўлида без пайдо бўлганини айтди. Бу ҳам ёшлиқдаги касалликнинг асорати эди. Яна уни яхши шифокорларга кўрсатишга тўри келди.

Мана, ўша кунлар ҳам ортда қолди. Ҳозир ўғлим Тошкентда ўз йигитлик бурчини ўтапти, ҳарбий лавозими катта сержант, деди опа ички гурур билан.

Биз Гулчехра опанинг тўлқинланиб айтган гапларидан лол қолдик. Кўнглимдан эса: "Туққан эмас, боққан она", - деган нақл ўтиб ҳамхонамга фахр билан қарардим.

Шерзод ХОЛИҚОВ

### ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ЙҲОДИДАН

#### ХАҲЛИМДАҒИ КЕЛИНИМГА

Боғларимнинг устунига ўрнатайин  
Ҳеч узилмас арқонлардан ҳалинчақлар.  
Осмон бўйлаб училарни ўргатайин  
Сизга ҳавас қилсин барча келинчақлар.

Боғ гуллардан чамбараклар ясайин-э  
Туморларга ўйиб тикай жононалар.  
Эзи туморлар бўйингизга осайин-э  
Менга ҳавас қилсин барча қайноналар.

Арғамчини сочларимдан ясагайман  
Эслатувчи бир замонлар кўш биланин.  
Устунларин шеърларимдан безагайман  
Мен худодан сўраганман шу тилакни.

Шўх-шўх кулинг жаранглатиб боғларимда  
Очилмаган гул гўнчалар кўз ёрисин.  
Шу лаҳзадан дилгинининг ҳазон билмас  
Туйғулари армонлардан арисин.

Боғларимда сабо эмас, шамол эсди  
Ожиз бўлдим ёнар гулни кашф қилмоққа.  
Энди Сизга ҳуд берсин боғ тўлдириб  
Гул булбулни ҳаддан зиёд кашф қилмоқни.

Боғларимнинг устунига ўрнатайин  
Ҳеч узилмас арқонлардан ҳалинчақлар.  
Училарни ўзим Сизга ўргатайин  
Сизга ҳавас қилсин барча келинчақлар.

Боғларимнинг яшилгин сақлағайсиз  
Яқирасин тонги шудринг дурдоналар.  
Қизим бўлиб ишончларин оқлағайсиз  
Менга ҳавас қилсин барча қайноналар.

Хадича КУВОНОВА

## ОТАМИЗНИНГ ЎРНИНИ БОСИНГ...

1986 йили биз учун азиз бўлган дадажонимиз оламдан ўтди. Ўша маҳалда биз оилада 5 нафар қиз ёлғиз онамининг кўлида қолдик. Аяжоним бизни воёга етказгунича не-не азобларни кўрди. Тинимсиз меҳнат қилди, кечани-кеча, кундузни-кундуз демая амаллаб рўзгор тебратди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб бизларнинг бошимизни силади. Орадан йиллар ўтди. Биз барчамиз Оллоҳга шукрлар бўлсинки, ўсиб-ўлғайдик. Ҳозир Замира ва Манзура опамлар турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт кечирашмоқда. Синглим Шахноза эса Андижон Тиббиёт институтида тахсил олмақда. Кенжа синглим Матлуба эса 7-синфда ўқийди.

Мени ҳам яхши-яхши олийгоҳларда тахсил олгим келади. Ёшим 19да. Талабалик бахтига мушарраф бўлган тенгдошларимга эса жуда-жуда ҳавасим келади. Уларнинг кўпчилиги ота-оналарининг соясида ўқиб юришибди, қийинчилик ни-

малигини билишмайди. Баъзилари эса ёлғизликни ўқшмайди ҳам. Уларга қараб вақтини беҳуда ўтказаятганликларидан ачиниб кетаман. Дилимдан эса доим: "Агар дадам тирик бўлганларидея мен ҳам бундай қийналиб қолмаган бўлардим" деган армонли ўйлар ўтади...

Дадам шифокор эди. Қанчалаб беморларнинг дардига даво топди, лекин ўзига қолганда эса дардининг олдида ожиз қолди. Неча йил давомида ёзган илмий ишлари ҳам стол тортмасида қолиб кетди. Бу нарса эса биз фарзандларга бир умрлик армон бўлиб қолди.

Мен ҳаётда кўп нарсаларни ўйлаб юраман. Ҳозир биз учун энг азиз бўлиб қолган аяжонимизни, ўзимизнинг аҳволимизни... Баъзан эса ўйимнинг охирига етолмай тўйиб-тўйиб йиғлайман. Ана шундай дамда дадажонимнинг ўрнини жуда ҳам билинади. Биласизми, дадамнинг олдинги рўзгоридан

бир ўғиллари бор. Лекин акам онаси билан бирга яшарди. Биз билан катта бўлмаган. Акамнинг исми Шукрулло, ҳозир ёши 27 да бўлиши керак.

Эшитишимча, ҳозир аям, яъни акамнинг оналари руҳий касал экан. Мен эса билмайман, акам ҳозир қаёқда экан? Акажон, биз сизнинг оиламизга қайтишингизни жудаям хоҳлаймиз. Акажон, илтимос, бизникига бир бор бўлса ҳам келинг. Сизни жудаям соғиндик. Зора, отага бўлган меҳримизни сиз оз бўлса-да ўрнини тўлдирсангиз... Бизга ака ўрнида эмас, ота ўрнида азизсиз. Қаердасиз акажон, бизникига албатта келинг. Аям ҳам сизни "ўғлим" деган, сизнинг онангиз ҳам аямдек. Агар дадамнинг руҳини шод қиламан десангиз, албатта келасиз деб ўйлайман. Биз сизни кутиб қоламиз...

Умида НАЗИРОВА

Кўкон шаҳри



## ҲАЁТ ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ



Бир танишимнинг ҳикояси мени ўйлантириб қўйди.

- Вой, биласизми, менинг бир қариндошим ўғлини ўйлантириш учун бой оилага қуда бўлиш илн-жида ўзи ҳам роса уч йил қидирди. Охири топди. Унаштириш маросимидан кейин қизни отаси бўлажак қувёвга "Тико" автомашинасини совға қилди. "Агар ўғил неваралик бўлсам, унга мойи артилмаган "Мерседес"ни қалитини тутқазаман", - дебди қуда. Хай, айланай. Сизнинг ҳам қизларингиз бор. Молларини сўраб қилаверинг, ҳозир ҳамма қуда томонни бой-камбағаллигига қараяпти... Унинг ҳикояси шу ерга келганда қоним қайнаб: - Кечирасизу бойликка қараб бахтни ўлчайдиганлар учун берадиган қизим йўқ. Ўзининг пешонасига берсин. Мен ҳар доим ақлли-хушли қувёв

сўрайман, - дедим.

У эса: "Ўша қариндошиникидаги чарлар маросимида таниқли санъаткорларнинг барчаси келганию, дастурхонларнинг ўта тўкин бўлганлигини мақтаб турибди. - Шу оиланинг яна бир қизи бор экану жуда кичкина экан-да, бўлмаса қайсинглим ўғлига олиб бер-

## ОРИЯТ

моқчи эди. Унинг ўғли ҳам анойи эмас, "Мен ўйланадиган қизнинг отаси "мерседес" совға қилади", дебди онасига. "Қаердан билибди", - сўрайман қизиқиб. Унинг бир дўстини онаси бор экан, ўша айтибдики "...жон қариндошингга қайнотаси "Тико" совға қилибдику, сен опамга ўйлансанг. Ота-онам сенга "Мерседес" беришади.

Ҳикоя шу

ФИКР

ерга келганда бўғилиб кетаётгандек бўлдим.

Шу кичкинагина диалог менга анчагача тинчлик бермади. Одамлардаги бу қадар мешчанлик, йигитларимиздаги ориятсизлик қачондан бошланди. Наҳотки кўнгил ишини, умр савдосини мол-дунё билан баҳоласалар. Ахир халқимизда "Йигит моли ерда" деган мақол бор. Уларнинг ўз пешоналарига берилгани қайда-ю, миннатли совға-саломлар қайда. Бу балки жамиятимизда илдиш отиб келаётган салбий иллатдир. Уни йўқотиш, одамлар онгига таъсир этиш учун нима қилиш керак экан-а?! Сиз нима дейсиз, азизлар?!

Муҳайё МИРСАИДОВА

## ҚИЗЛАРНИНГ ЎҚИШИ АЙБМИ?

Кундан кунга ривожланиб бораётган мустақил дйёримизнинг олий ўқув юрларига тахсил олаётган ёшларнинг 30-40 фоизини қизлар ташкил қилади. Айрим инсонлар қизларнинг ўқишига қаршилик кўрсаташди. Уларнинг фикрича, ўқиган қизлар ифратини йўқотиб қўярмиш. Баъзи ота-оналар шундай гапларга ишониб қизларини ўқишга қўймайди. Гоҳида "фалончининг қизи ўқишга кирдию айниди" каби гаплар қулоққа чалинади.

Афсуски... Ю.исмли қиз тиббиёт олийгоҳида ўқирди. Дастлаб кишлоғига ҳар ҳафтада келадиган қиз ўз-ўзидан келмай

қўйди. Гоҳида зарурат юзасидан уйига борарди. Унинг хатти-ҳаракати билан ота-онаси қизиқмади. Кейинчалик унинг пулга, англ-елли ҳаётга қизиқиб номусини йўқотгани маълум бўлди. Агар у ўз иззатини билиб юрганида ҳозир бир хонадоннинг ажойиб бекаси бўлармиди.

Қизларнинг юриш-туриши аввало ўзига ва унга тарбия берган ота-онасига боғлиқ. Узоқдан ўқишга келган қизлар ота-онасидан йирокдалиги сабабли ўзларини анча эркин сезишади. Шунинг учун ота-оналар фарзандлари ҳолидан тез-тез хабар олиб туриши керак. Баъзи талаба қиз-

лар бошқаларга тақлид қилиб сочларини калта (елкадан) кестиришади, кийинишларини ўзгартиради-да: "Биз европалик ёки америкаликлардай юрсақ ёмонми?" - дейишади. Бизнинг барча ҳавас қиладиган ўзбекона миллий маданиятимиз, кадриятимиз бор. Талабалар буни бошқаларга қараганда чуқурроқ тушуниши керак. Ҳар бир талаба қизни нафақат ўз обрўйини, балки ота-онаси, миллати обрўйини ҳам ўйлаб иш тутса нур устига аяло нур бўлар эди.

Алишер МАЖИДОВ,  
ТошДУ журналистика  
факультети талабаси

## Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

### БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент, Буёқ Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

### ХОМИИ «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176  
ташқилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
47 877 нусxada чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тоб.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Расом — Н. ХОЛМУРОВОВ.  
Навбатчи — М. СОДИКОВ.